

## ПРЕЗИДЕНТ ТУҒИЛГАН КУН – МИЛЛИЙ БАЙРАМ БЎЛДИМИ?

Бу ёзувчи аслида ўқитувчи эди. Дастлаб "Бекажон" деган газетада "Момақалдирик" деган ҳикоя чиқарган. Ҳикояси Тоғай Муродга тақлиддан иборат эди. Ва унинг бундан кейинги ҳамма "асар"лари Тоғай Муродга тақлиддан нарига ўтмади.

Қарангки, унинг асарларигина эмас, ишлари ҳам Тоғай Муродга тақлид бўла бошлади. Утган асрнинг 80-йилларида бир гуруҳ ёш шоир ва адиблар Москвага хат ёзишган. Хатда Ўзбекистон



Компартияси ва унинг ишлари танқид қилинган. Хат ёзган ёшлар улар ичидан бир сотқин чиқади ва хат ёзганлар рўхатини "керакли" жойга тақдим қилади.

Бу хоин Тоғай Мурод эди. У бу иши билан миллат эркига курашди. Аслида, бу адиб ўз асарларида иймонсизлик ва эътиқодсизликни тарғиб этади.

Тоғай Муродни бу хоинлиги учун хат муаллифларидан бири кечиктирмай жазосини ҳам берган, бу ҳақдаги гаплар бугун Ўзбекистондаги катта авлод вакилларига жуда яхши маълум.

Тоғай Муроднинг адабий услуби ўз йўлига, аммо унинг хоинлиги тарихга муҳрланди.

Асл исми Каримберди Тўрамуродов бўлган – биз юқорида айтган "ёзувчи" гоҳ Тўра Мурод, гоҳ Карим Тўра, гоҳ бошқа номлар билан ҳикоялар ёзади. Аслида, у ёзган нарсалар воқеаларнинг жўн баённомасидир. Зотан, унинг бадииятга бўлган иқтидори ўртамадир.

Шу одам Каримовнинг туғилган кунини "Миллий байрам" деб аташни таклиф қилди. Узини адиб деб атаган, бир қанча тўпламларини чиқариб элга танилган бу одамнинг мазкур таклифи хоинликдир. Тўра Мурод устози Тоғай Муроддан хоинлик борасида қолишмади.

Хўш, нима учун Тўра Мурод хоин? Чунки у адиб улароқ юртдаги вазиятни бошқалардан яхши

билади. Мамлакатда гуркираб ётган коррупция, ўзибўларчилик, золимликни чуқур англайди.

Бугун бу ёзувчи азбарой "сермаҳсул" бўлгани учун топгани ўзига етиб ортади.

Биров Каримовни мақта деб буюрганда ҳам унинг бу қадар ялтоқилик билан қоғоз қоралаши оқил инсонга ярашмайдиган бир ишдир. Каримовнинг жиноятларини бутун ўзбек интеллегенцияси яхши билади. Уни ёмон кўради. Шуларни кўра-била туриб золимнинг таваллуд кунини Миллий байрам даражасига кўтарайлик дейиш улкан уятсизликдир.

Тўра Мурод тинчликни, фаровонликни Каримовнинг хизматлари деб кўрсатган.

У рангли инқилобларни, Араб баҳорини қоралайди. Рангин туш кўриб ухлашини сўлаги оқиб мақтанади.

Аслида у қоралаган инқилоблар, Араб баҳори инсонларнинг зулмга қарши исёни эканини билмайди, ақли етмайди.

Ахир, қулликда ақлини таниган, инсонга қуллик қилишни эрк деб тушунадиган бу одамдан бошқа нарса кутиш мантиқсизликдир.

Тўра Мурод ўз фикрини асослаш учун турли мамлакатларда давлат раҳбарлари таваллуд кунлари миллий байрам эканига диққат қаратган, ўшаларга эргашишни даъват қилган.

Агар ёзувчиман деган шахс

бошқа халқларнинг турли одатларига кўр-кўрона эргашишни, тақлид қилишни ташвиқ этса, бу унинг дунёқарашадаги туғма қуллик белгисидир.

У бошқа мамлакатларда илм-фанга, демократияга қандай эътибор қаратилишини айтса бўларди. Бошқа мамлакатларда жамият муаммолари қай тариқа ҳал қилиниши тўғрисида яхши бўларди. Бир золимни Худо даражасига кўтармасдан ҳақиқат тарафида бўлиши шарт эди.

Умуман, Тўра Муроднинг бу чиқиши кўплаб зиёлиларнинг энсасини қотиргани аниқ.

Ҳар қалай, агар "адиб" бу ишни соддалик билан қилган бўлса, демак, ақл кўзлари очилмаган гўлдир у. Агар у бу ишни буюртма асосида қилган бўлса, демак, жон ғами билан бошқалар иймон ва виждонини сотишдан тоймайдиган хоиндир у.

Ҳар икки ҳолда ҳам Тўра Мурод оқланиши қийин хиёнатни амалга оширди. У бу хиёнати учун тавба қилиши лозим.

Бундай одамлар кўп. Масалан, Каримовни "отаўзбек" дейишни таклиф қилган одам, Каримовни дуо қилайлик деган одамлар ҳам шу тоифа одамлардир.

Айтганимиздек, улар кўрқоқ ва хоин – ўз халқи эркига онгли раившда хиёнат қилиб, ҳақиқатни яширадиган хоинлар; ёки ўта аҳмоқ – мавжуд вазиятни англамайдиган нодонлар.

Такрор айтаемиз:

Ҳар икки ҳолда ҳам, уларни оқлай олмаймиз. Албатта, бизнинг мақоламизни ғаламислик, кўра олмаслик деб баҳолашлари мумкин.

Биз учун бу муҳим эмас, чунки ҳақиқатни англаганлар ҳамини ҳақиқат тарафидадирлар, англамаганларни эса ўзгартириб бўлмайди. Бизнинг ишимиз ўзимизни қайси тарафда эканимизни билдириб қўйишдир.

**Абдуллоҳ Нусрат**



## «Озодликка интервью берганларга чора кўринг»!

Жиззах вилояти, Пахтакор тумани хокимининг маданият ишлари бўйича муовини Карим Татлибаев, Арамаис Авакян ва унинг шериклари устидан бўлиб ўтаётган суд мажлисида, Озодлик радиосига интервью берганларга чора кўришини сўради.

ИШИДчи ва жиходчи, ҳамда Конституциявий тузумга тажовузда айбланаётган Жиззахлик фермер, насроний Арамаис Авакян ва унинг шериклари устидан бўлиб ўтаётган суд мажлисида, Карим Татлибаев Пахтакор тумани хокимининг вакили сифатида қатнашапти.

22 январ куни давом этган суд мажлисида хокимнинг вакили, туман хокими Ғофур Қаршибоевнинг Арамаис Авакян ва унинг шерикларини танимаслигини айтган.

“Хокимимизнинг Арамаисни хўжалигига кўз тиккани ҳақидаги Озодлик радиоси тарқатган хабар қуруқ тухмат” деган Карим Татлибаев.

Карим Татлибаев суд раиси Аскар Мамарахимовга мурожаат қиларкан, Озодлик радиоси орқали туман хокимига тухмат қилганларга, ҳамда шу радиога интервью берганларга жазо тайинлашини сўради.

У суд раисидан, Арамаис Авакяндан яна бир бор туман хокими Ғофур Қаршибоевга эътирози бор ёки йўқлигини сўрашни илтимос қилди.

Лекин суд раиси Аскар Мамарахимов бу масала бўйича Арамаис аввалги мажлисда гапирганини айтиб, хоким вакилининг бу сўровини рад қилган.

“У холда Озодлик радиосига интервью ва хабарлар бераётганларга чора кўринг” деган Карим Татлибаев.

Суд раиси эса унга, “Биз фуқароларни кимга нима дейишларини таъқиқлай олмаймиз. Буни ўзларингиз Махалла фуқаролар кенгашлари билан маслаҳатлашиб, хал қилинглр.

Махаллага чақириб ташвиқот ва тарғибот қилинглр” деб жавоб берган.

Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасидаги манбаанинг айтишича, Пахтакор тумани хокимининг фермер Арамаис Авакяннинг хўжалигини тортиб олиш мақсадида, фермернинг қамоққа олдиргани ҳақидаги хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарлар, нафақат туман, балки вилоят хокимлигидаги амалдорларни ташвишга солган.

“Пахтакор тумани хокими Ғофур Қаршибоев шу кунларда ўз номини қутқариш учун, фермернинг яқинларига босим ўтказаяпти. Уларни хокимиятга чақириб, раҳбарга тухмат қилганликлари учун қамоққа олинишини вакиллари орқали билдираяпти. Арамаис Авакянга ҳам босимлар кучайган. Унга ҳозир терговчилар “Хокимни умуман танимайсан, у ҳам сени кўрмаган. Сени ишинга унинг алоқаси йўқлиги ҳақида судда гапирасан” дейишяпти. Арамаиснинг бошқа чораси йўқ” деди манбаамиз кечаги суҳбатда.

22 январ куни бўлиб ўтган навбатдаги суд мажлисида қатнашганларнинг айтишларича, Арамаис Авакян анча тушқун ҳолатда кўринган. Хокимлик вакили Карим Татлибаевнинг туман хокимини химоя қилиб гапирган сўзларига ҳам эътироз билдирмаган.

Навбатдаги суд мажлиси 25 январ кунига белгиланган.

**УХХ таҳририятига келган мактуб**

## Ўзбек муҳожирлари Россиядан ёппасига чиқиб кетмоқда

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Россия матбуоти рубль қадрсизланиб, ҳаёт қимматлашиши ва миграция қонунларининг кескинлашуви ортидан ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ёппасига чиқиб кетмоқда. Айни пайтда бу фикрга қўшилмаётганлар бундан буёғига ўзбекларнинг Россияда муҳожиратда эмас, балки муқим яшашга ўтаётгани ва ҳозирга қадар Ўзбекистонда яшаб келган оиласи билан Россияга кўчиб келаётганини айтмоқда.

Шу кунларда постсовет матбуоти ўзбек меҳнат муҳожирларининг Россиядан ёппасига чиқиб кетаётганини долзарб жараён сифатида тақдим этмоқда.

Россия Федерал миграция хизмати раҳбари Константин Ромодановскийнинг январь ойига келиб Россияда расман қайддан ўтган ўзбек мигрантлари сонининг ўтган йилнинг айни шу даврига нисбатан 1 миллионга, Россияга келаётган мигрантлар оқимининг ҳам 70 фоизга қамайгани ҳақидаги баёноти бундай чиқишларга асос бўлмоқда.

Жараён сабабларига изоҳ берган Россия расмийлари ва таҳлилчилари, мамлакатда миграция қонунчилигининг кескинлашгани, хусусан, Россия ҳудудининг нолегаллар учун ёпилганини айтмоқда.

Ромодановскийга кўра, 2015 йил охирига келиб, 1 миллион 800 минг одам Россия ҳудудига кириши тақиқланганлар рўйхатига киритилган.

Айни пайтда, миграция бўйича россиялик экспертлар, 2016 йилга келиб, бунга тескари бўлган жараённинг ҳам кучая бошлаганини қайд этмоқда.

Уларга кўра, Москва ҳукуматининг ватандошларни кўчириш дастурига асосан Россияга бутунлай кўчиб келаётган марказий осиелик, хусусан, ўзбеклар сони кўпаймоқда.

Ушбу давлат дастури рус тили ва маданиятини яхши билган, ўқиган, тажрибали собиқ СССР ҳудуди граждандарини Россияга кўчиришни мақсад қилган. Кўчиб келиш харажатлари, иш ва уй-жой топиш муаммосини ҳал қилишни давлат ўз зиммасига олган бу дастурга қизиқиш кўрсатганлар, рус матбуоти қайдича, ўн мингларни ташкил этади ва бундайлар сони кун сайин ошмоқда.

**УХХ хабарлар бўлими**

Тожикистон президенти, ўзини “Пешвои миллат” дея эълон қилган Имомали Раҳмоннинг шахсий буйруғи билан мамлакат фуқароларининг соқоллари мажбуран қирдирилмоқда, аёлларнинг рўмоллари ечиб олинмоқда. Бу – шу кеча кундузнинг энг баҳсли масаласига айланди.

Ўзбекистонда эса бу иш аввалроқ бошланган эди. Зотан, Каримов узокни кўра билган “сиёсатчи” ўлароқ яқин 20 йилки, одамларни соқол ва рўмол махрум қилиб келади. Мана, Тожикистон эндигина бу “ислохот”ни амалга оширди. Каримовнинг прагматикасига қойил қолиш керак.

ББС хизмати соқол ўстириш ва рўмол – ҳижоб ўрашни алоҳида муаммо сифатида кун тартибига қўйди. Муштарийларни шу масала атрофида баҳсга чорлади.

Бу ўринда ҳолатнинг бир қанча жиҳатларига диққат қаратиш зарурати мажуд:

Аввало, соқол ва рўмол масаласи сиёсат даражасига кўтарилгани, уни муҳокама қилинаётгани ўта мантиқсиз ҳодисадир. Чунки кийиниш, ташқи кўринишнинг шакли инсон дунёқарашидан келиб чиқиб намоён бўлади. Истаган эркак соқол ўстиради, истаган аёл рўмол ўрайди, ҳижоб кияди. Бу нарсани муаммо деб ўртага қўйган, уни тақиқлаган ҳукуматлар бевосита инсонларнинг ҳуқуқини синдирди, хорлади. Бу худди эр-хотин ўртасидаги интим муносабатларга аралашгандек ишдир.

Иккинчидан, аслида эрлардан соқол олишни ва аёллардан рўмол ечишни талаб қилиш ўта чуқур ўйланган, ўта қабих мақсад учун амалга оширилаётган ёвузликдир. Биз айнан бунини ЁВУЗЛИК деб атадик. Бу сўзни қўллашда эмоцияга берилаётганимиз йўқ. Гап шундаки, соқол эр киши учун жиддий, шиддат беради, соқол – эркакнинг, йигитнинг руҳиятига таъсир қиладиган омилдир. Соқоли ўсган эрнинг ҳаракатлари вазминлашади, унда босиқлик, салобат ҳосил бўлади. Чунки ташқи кўринишда акс этган соқол унга ЭРКАК эканлигини англайди, эслатиб туради.

Ёшлик – яхши. Аммо ёшликка интилиш яхши эмас. Соқолнинг қириб ташланиши кишини ёш кўрсатади. Уни ёшликка томон судрайди. Жиддийлашиб, улкан ишларни амалга ошириш палласи етиб келганда ўзини енгилтак ҳолда

тутиб, соқолини қириб юриш эса ярашмаган бир ишдир.

Соқолнинг эркак руҳиятидаги бир қанча аҳамияти бор. Бунини Фарб олимлари исботлаб беришган. Шунинг натижаси ўлароқ АҚШ армияси ҳарбийларига соқол қўйиш буйруғи берилганини кўпчилик билади.



## Соқол ва рўмолга ёпишган қўллар

Ислон динида эр киши учун соқол қўйиш вожиб қилинган. Марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф соқолини олиб юрган имомлар шариатга хилоф иш қилаётганларини аниқ баён қилган эди. Оллоҳнинг комил динидаги ҳеч бир амр беҳуда эмас. Демак, соқол қўйишнинг яна бошқа бир қанча фазилатлари мавжуд. Бунини илм-фан аниқламагани, одамлар эса англамагани табиий.

Аёл киши табиатан нозик қилиб яратилган. Унинг нафосати, гўзаллиги гулга ўхшайди. Гул очикда қолса, унга губор кўнади, уни юлиб оладилар, оқибатда эса хазонга айланади. Рўмол ёки ҳижоб аёлнинг иффатини сақлайдиган, унинг гўзаллигини ҳимоя қиладиган воситадир. Рўмол ва ҳижобда бўлган, бунини ўз виждони амри ила адо қилаётган аёлнинг ҳаёси сочларини очиб юрганлардан кучлироқ бўлади. Чунки рўмол аёлни кўп нарсдан тўсиб туради.

Рўмол ўраган аёл ўз ёшига нисбатан улуғ кўринади, бу эса бегона эркакларнинг шахватидан, унги нисбатан ёмон ҳаёлда бўлишларидан сақлайди. Фақат ўз жуфти ҳалоли қошида рўмолини ечган аёл эса умр йўлдоши учун энг гўзал хилқатга айланади. Бу имкон унда қолади.

Демак, рўмол шакл бўлса-да, аёлнинг руҳиятини ҳимоя қиладиган, унинг аёллигига муҳим ташқи белгидир.

Эрлардан соқол олишни, уни қириб ташлашни ва хотинлардан рўмол ечишни талаб қиладиган ҳукуматлар эса бу нарсаларни бошқалардан кўра чуқур биладилар. Шунинг учун ҳам улар эрларнинг соқолига ва аёлларнинг рўмолига ёпишмоқдалар.

Марказий Осиёда қадимдан эрларнинг соқоли ва аёлларнинг рўмоли юксак қадрият бўлиб келди. Натижада, бу икки нарсани сақлайдиган восита бўлиб қолди. Агар бу қадрият ва ҳимоя олиб ташланса, демак, одамлар руҳий жиҳатдан асоратга тушадилар. Ўз аслиятидан узилган халқ эса янгисига кўникади. Бу янги анъанага кимга тегишли бўлса, ўшанга қул бўлади.

Бугун Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳукуматга раҳбарлик қиладиганларнинг ҳаёлида бир муаммо бор – ўзларининг ва оилаларининг ҳукмронлигини абадул абад таъминлаш. Бу йўлда, аввал, халқнинг руҳиятини синдириш керак, одамлар ўртасига тафриқ солиш керак. Бунинг учун эса унинг қадриятларига ҳужум уюштириш лозим. Ва ҳужум уюштирилди: соқоллар қирилди, эрлар кўса бўлди; рўмоллар ечиб олинди ва аёллар кўз-кўз қилинди, бозорга қўйилди. Энди одамлар бу ишни тақиқлаган ҳукумат қарши чиқиш ўрнига соқол олиш тўғри, рўмол ечиш нотўғри дея қирпичок бўлиб ётишади. Ҳукумат эса уларни аста-секинлик билан бўйсундиради, рақибларни бирма-бир йўқ қиладди.

Каримов бу жараённи ўта секин, ўз услубига содиқ равишда “эволюцион” йўл билан амалга оширди. Бугун Ўзбекистонда деярли ҳеч бир имомда соқол йўқ. Фақатгина муфтий ва яна уч-тўрт дин олимида калта-култа соқол сақланиб қолган. Зотан, Каримов ёвуз ишларни босқичма-босқич бажаришга уста.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Имомали Раҳмон эса ҳажга бориб, ўзининг мусулмон эканлигини расман мустаҳкамлаб олиб, кейин бу ишни қилди. Гўёки эътирозга ўрин қолдирмади.

Бу икки ҳукуматнинг ўз ишини оқлаш учун кўрсатаётган ҳамма ваз ва баҳоналари сафсатадан бўлак нарса эмас. Соқол ва рўмолнинг терроризмга алоқаси йўқлигини саводсиз одам ҳам англайди.

Фейсбукни кузатганимизда ББСнинг сўровига берилган жавоблар ичида шундай мазмун акс этган жумлага кўзимиз тушди:

“Агар халқимизга дин борасида максимал эрк берсак, ҳаддидан ошади. Чуқур кетади, ёшлар турли оқимларга қўшилиб кетади...”

Одоб доирасида билдирилган фикрларга жиддий қараймиз. Асосланган қарашларни эса рад этмаймиз. Аммо юқоридаги тушунча тўғри эмас. Аслида, ҳолат аксинчадир. Агар дин борасида халққа максимал имкониятлар яратилса, фирқаланиш, бўлинишлар барҳам топади. Нега? Чунки динга йўл очиш орқали унинг таълимига йўл очилади. Дин илмидан теран хабардор бўлган инсонлар эса ҳеч қачон фирқаларга бўлинмайди.

Ўзбекистон дин уламоларига бой юрт. Юртимиздан боболар илмини олган олимларимизнинг ҳеч бирлари адашаганлари йўқ. Олим деб тан олинган чуқур илм эгалари ҳеч қачон ихтилофга бормадилар, ихтилофларини ошқор қилмадилар.

Бу олимларнинг кўплиги ҳамиша халқни бирликда ушлаб турган. Аммо илмдан бебаҳра, чала таҳсил билан қолганлар фитна уйғотдилар. Одамларнинг илмдан бебаҳра қолиши, таҳсилнинг чала бўлиши эса ҳукуматнинг тақиқлови билан рўй берди.

Халқда дин илмига ташналик бор. Бу ташналик қондирилиши зарур. Акс ҳолда, сувсаган одам қаердан бўлса ҳам, сув топишга интилади ва топганини ичади.

Каримов ҳукумати ислом динининг тоза булоқларини ёпди, натижада, ташна ёшлар турли қўлмақларнинг сувларини ичдилар. Кейин эса Каримов тили билан айтсак, “экстремист” бўлишди. Кейин эса улар ўлдирилди, қамалди...

Кўпчиликда “исломий давлат” деган хато тушунча бор ва бу оммалашиб кетган. Муҳаммад Солиҳ бу хато эканлигини ўзининг “Йўлнома” китобида айтиб ўтган. Солиҳнинг фикрича, давлат – иморатдир. Бу иморатда халқ яшайди. Оддий иморат қандай қилиб исломий бўлиши мумкин?

Балки шу иморатнинг меъморлари иймон ва илм соҳиблари бўлишлари ёки бошқача бўлиши мумкин. Бу иморат меъморлари, қурувчилари каллақесар ва қароқчи бўлгач, уни хароб қиладилар, ҳолос.

Англаб олиш лозимки, исломий давлат тушунчаси тўқиб чиқарилган атамадир. Аслида давлат бошқарувчилари соф мусулмон

бўлиши керак. Соф мусулмон эса инсониятга берилган гўзал фазилатлар – сабр, ҳилм, инсоф, диёнат, ҳалоллик ва бошқаларнинг эгасидир.

Бундан ташқари, соқол ўстириш ва рўмол ўраш кишини том маънода мусулмон қилиб қўймайди. Балки бу икки ҳол мусулмоннинг ташқи кўринишидаги бир зоҳирий аломат, ҳолос.

Хулоса қилиб айтганда, “соқол ва рўмол” масаласи ўта арзимас масала. Уни муаммога айлантиришдан ҳукуматлар уч мақсадни кўзлашган:

халқни қадриятлардан жудо қилиш ва шу орқали уни узоқ вақт бошқариш;

одамлар ўртасига бўлиниш – фитна солиш, уларни гуруҳларга ажратиш ва шу орқали чексиз ҳукмронликка эришиш;

жиддий масалалардан халқни чалғитиш ва одамларнинг фикрлаш даражасини ўтмаслаштириш, кишиларни майдақашликка ўргатиш.

Бу ҳолатда халқда биргина йўл қолади: ўз ҳақини талаб қилиш. Бу турли шаклда амалга ошади: намойишлар орқали, ҳукуматга босим ўтказиш, унга ошқора қаршилиқ қилиш керак.

Агар бу масалада ҳам халқ иккиланса ва айтилганларга рози бўлишда давом этса, мамлакат устига чиқиб олган бир гуруҳ жиноятчиларнинг золимона ҳукмронлиги яна узоқ давом этади.

**Абдуллоҳ Нусрат**

## Афғонистонда Абу Райҳон Берунийнинг қабри бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турибди

Қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг қабри Афғонистонда қаровсиз аҳволда ётибди. Бу ҳақда, «Маънавий ҳаёт» журналида Бобур халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабовдан олинган интервюга асосланиб, daryo.uz сайти хабар қилди.

Фонд раисининг сўзларига кўра, Абу Райҳон Берунийнинг қабри Афғонистонда қаровсиз ётибди, ён-атрофдаги экинзорга қўшилиб кетиш хавфи бор. «Тез фурсат ичида унинг атрофини ажратиб, қабр устига сағана ва мақбара қурилмаса, қабр бутунлай йўқолиб кетиши мумкин», — дейди Зокиржон Машрабов.

Зокиржон Машрабовнинг қўшимча қилишича, Афғонистоннинг Ишқашим манзилгоҳида Бобораҳим Машрабнинг қабри харобага

айланган лойсувоқ уй ичида қолган, Мирзо Улуғбекнинг таниқли шогирди Али Қўшчининг Истанбулдаги қабрини ҳам обод қилиш керак, «чунки у юзлаб қабрлар ичида қисилиб ётибди».

«Бу ишларнинг барчасига улгуриш ва амалга ошириш учун умрнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, олға интилиш, изланиш керак. Чунки вақт олтинга тенг, бугунги кун эртага тарихга айланади. Тарих саҳифаларига арзийдиган ишларни қила олиш Бобур халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси аъзоларининг доимий мақсади», — дейди Зокиржон Машрабов.

Маълумот учун, Абу Райҳон Беруний 973 йил Хоразмнинг Кат шаҳрида (ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳри) туғилган бўлиб, XI асрнинг машҳур қомусий олимларидан

бири ҳисобланади. Берунийнинг 152 асари маълум бўлиб, ҳозирги давргача унинг фақат 30 таси етиб келган.

Жами асарларининг 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 4 таси минералогия, 1 таси физикага, 1 таси доришуносликка, 15 таси тарих ва этнографияга, 4 таси фалсафага, 18 таси адабиётга бағишланган. У 50 ёшида санскрит тилини ўрганган, бундан ташқари, форс, араб, яҳудий, грек тилларини ҳам биларди.

Беруний ўзининг «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш» китобида ҳозирги Америка қитъасининг мавжудлигини испан ва португал денгиз сайёҳларидан бир неча аср аввал илмий асослаб берган.

**Шухрат Бобоҷонов**  
Манба: facebook.com



## Кўрқувнинг ажалга фойдаси йўқ

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Жорий йил эзида Тошкентда ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити олдида президент ва меҳмонлар кортежи ўтадиган марказий кўчаларни таъмирлаш бошланган. Расмийлар бу йўллар ёқасидаги уйларда яшовчилардан қорайтирилган ойналар, балконлардаги панжара ва сунъий йўлдош антенналарини олиб ташлашни талаб қилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг июнь ойи охирида Тошкентда бўлиб ўтадиган саммити олдида марказий туманлар ҳокимиятлари уй-жой мулкдорлари ширкатларига аҳоли уйларининг кўчага қараган томонларини “гартибга” солиш ҳақида фармойиш берди.

AsiaTerra интернет сайти уй-жой мулкдорлари ширкатининг аҳолига юборган огоҳномаларидан бирини чоп этди.

Бу огоҳномада айтилишича, хусусий квартиралар соҳиблари балконларига қўйилган соябонлар, сунъий йўлдош антенналари, панжара ва қорайтирилган ойналарни олиб ташлаши ва ўн кун муддатда балконларни бир хил кўринишга келтиришлари шарт.

Бу талабни бажармаганларнинг Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексининг 160-моддаси асосида жаримага тортилиши айтилади.

Яккасарой туманидаги уй-жой мулкдорлари ширкатининг исми сир қолишини сўраган мулозимларидан бири шошма-шошарлик билан

берилган бундай буйруқдан аҳоли норози бўлаётганини айтади:

“Бизга қарашли уйлар Афросиёб кўчасида жойлашган. Ҳокимиятдан шундай буйруқ келди. Аҳолига таркатдик. Лекин кўпчилик норози бўлаяпти. Чунки одамлар харажат қилиб балконларини аква

деразалари билан ёпиб олган. Спутник антенналарини ҳам олиб ташлашни айтишяпти”, деди ширкат мулозими.

Яккасарой тумани ҳокимлигининг ўзини таништирмаган мулозими бундай топшириқ шаҳар ҳокимлиги томонидан берилганини айтди:

“Бу фақат бизнинг туманда эмас, президент ва келадиган меҳмонлар кортежи юрадиган бошқа кўчаларда ҳам бўлаяпти. Уйларнинг ташқи фасади бир хил бўлиши керак. Ўзбошимчалик билан қурилган ҳамма нарсани олдириб ташлашми”, деди ҳокимлик мулозими.

AsiaTerra интернет сайтнинг эзишича, 21 январь куни Афросиёб кўчасидаги 13-уйнинг балконларидаги панжара ва соябонлар уй эгаларидан сўралмасдан кесиб ташланган:

“Бу “меҳнат”лари учун ишчилар уй эгаларидан 350 минг сўмдан ундирмоқчи ҳам бўлишган. Ваҳоланки, бу учун бюджетдан пул ажратилган”, дейди тошкентликлардан бири.

Ҳокимликнинг бу қарори олдида президент трассасидаги чинорларни кесиш, уйларнинг ташқи кўринишларини бир хил қилиш тадбирлари ҳам бошланган эди. Бир ой муқаддам Тошкент марказининг Ўзбекистон ва Шароф Рашидов кўчалари кесилган жой — Космонавтлар хиёбонидаги чинорлар кесилган эди.

Ўтган йил август ойида Ўзбекистон Халқ рассоми Ғафур Қодиров устахонасининг президент трассасига қараган деразалари ташқаридантемир тунука билан қоплаб ташланган эди.

2015 йилнинг июль ойида эса Тошкент шимоли шарқида жойлашган “Буёқ ипак йўли” метроси атрофидаги президент трассаси йўлида жойлашган дўкон ва бекатлар бузилган эди.

УХХ хабарлар бўлими

## Ўзбекистон коррупция рейтингда «етакчи» мамлакатлар қаторида

Дунё мамлакатларидаги коррупция билан боғлиқ вазиятни ўрганадиган Transparency International ташкилоти 2015 йилга бағишланган янги ҳисоботини эълон қилган.

Ушбу ҳисоботда жаҳондаги 168 мамлакатдаги аҳволга баҳо берилган.

Transparency International ҳар бир мамлакат тўплаган баллига қараб ранг берган.

Кўп балл тўплаб яхши натижани кўлга киритган мамлакатлар оч сариқ ранг билан белгиланган, Transparency рейтингда кам балл тўплаганига қараб харитада мамлакат тўқ қизил рангда кўрсатилган.

Дунёда коррупция энг авж олган ва тўқ қизил рангда берилган 16 мамлакат қаторига Ўзбекистон ҳам кирган.

Ўзбекистон имконли 100 баллдан 19 балл тўплаган.

Бу 168 мамлакат рўйхатида 153-ўринга тўғри келган.

Ўзбекистон кўрсаткичи 2014 йилга солиштирганда бир баллга яхшилангани кузатилган.

Бироқ 2014 йили Transparency International 175 мамлакатдан иборат рейтинг тузган эди.

Халқаро ташкилот собиқ Шўро мамлакатлари учун коррупция ҳамон катта муаммолигича қолаётганини айтган.

Transparency International таърифи бўйича бу мамлакатларда «коррупция қатағонлар билан ёнма-ён бормоқда».

«Озарбайжон, Қозғистон, Россия, Ўзбекистон ва бошқаларда ҳукуматлар, агар буткул бўяётган бўлмаса, фуқаролик жамияти ва эркин матбуотни чеклаб бормоқда — иккиси ҳам коррупция олдини олишга хизмат қилмоғи лозим», дейилади ҳисоботда.

Ҳисоботда Швециядаги вазият ҳақида гапириларкан, Ўзбекистон ҳам тилга олинган.

Швециядаги TeliaSonera мобил алоқа ширкати «Ўзбекистонда бизнес юритиш учун пора шаклида миллионлаб доллар берганликда айбланаётгани» айтилган.

Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)



Флюгер – шамол қайси тарафга эсаётганини кўрсатиб турадиган қурилма. Шамолнинг қайси тарафга эсаётгани ҳақида билиш учун тинимсиз шамолу бўронлар бўлиб турадиган жойларда флюгер жуда асқотади.

Туркийларда варрак учирини қадимдан кенг тарқалган ўйин: болалар айна баҳорда қирларга чиқиб варрак учирини, ўзаро беллашишган, албатта, бу нарсаларнинг ҳаммаси ўз сабабиятига эга. Дейлик, варрак учирини билан кўнгли ёзилган, вақт қизиқарли ўтган, болаларосмондаги варракка узоқ вақт қараш билан кўзларини “чиниқтирганлар”, яъни кўм-кўк само бағрида жимитдек бўлиб турган варракни илғаш учун кўз томирлари “меҳнат қилади”, бу эса ўз-ўзидан “чиниқтириш” дейилади.

Асосий мавзуйимиз бу эмас. Гап флюгер ва варракнинг шамол йўналишига қараб ҳаракат қилишида. Чунки варракни тутиб турадиган нарса ип, флюгер эса айнан шамол оқими бўйлаб ҳаракатланишга мўлжалланган.

Одам боласининг феъли, агар у ўзини тарбия қилмаса, худди варрак ёки флюгер каби бўлиб қолади.

Бу қандай юз беради?

Ўзбекистонда Ислон Каримов совет даврининг “атокли” шоираси Зулфия номида бир мукофот таъсис қилган. Бу мукофот фақат қизларга берилади. Мукофот эгалари турли шаклларда рағбатлантирилади, масалан, шоира қизлар, агар университет талабаси бўлишмаса, имтиҳонсиз олий ўқув юртига қабул қилинади, шапалокдек қилиб шеърини китоблари чиқариб берилади.

Хўш, мукофотга номзодлар қандай сараланади?

Бир гуруҳ қизлар қалин-қалин папкалар ҳозирлаб ўз туман, маҳалла ва қишлоқларида хотин-қизлар кўмитасига элтишади. Кўмида бу ишлар обдон “ўрганилиб” туман миқёсида бир нафар номзод вилоят босқичига ўтказилади. Вилоятда ҳар бир тумандан келган номзодлар ўзаро беллашадилар, бу ерда ҳаммадан устун келган қизалоқни финалга – Республикага ўтказишади. Финалда эса йилнинг “Зулфия” мукофоти совриндорлари аниқланади.

Қисқача жараён шу.

Албатта, финалга чиқиш учун қизларнинг ота-оналари беш-олти миллион сўмлаб пул кўтариб хотин-қизлар кўмитаси раисларига, ҳакамлар ҳайъатига



## ЗУЛМИНИНГ ҚИЁФАСИ

қараб югуришлари ҳақида эзмаланиб ўтирмаймиз, чунки бунини Ўзбекистондаги ит ҳам билади, итнинг танасидаги бит ҳам билади.

Мукофот совриндорлари учун қўйилган мезонлар қуйидагича:

- иложи борица камбағал ёки ўртаҳол оиладан чиқсин;
- жуда ўта чиройли ёки ўта хуснсиз бўлмасин – истарали бўлсин;
- шон-шухратни, ўзини кўз-кўз қилишни севсин;
- озгина бўлса ҳам, иқтидори бўлсин – бусиз қийин;
- мослашишга мойиллиги кучли бўлсин;
- агар бунинг ёнида уч-тўрт миллионми, беш-олти миллионми пул берадиган ота-онаси бўлса (мол ёки қўйларини сотиб, албатта) айна муддао.

Шу мезонлар асосида “Зулфия” мукофоти соҳибаси ҳам аниқланиб олгач, энди сценарийнинг асосий қисми бошланади: “Зулфияхоним қизлари” энди ҳукумат тадбирларидан сира ҳам бўшай олмай қолишади – ҳали у тадбирга, ҳали бу тадбирга бориб шеър ўқишлари, ўзларининг жуда бахтиёр авлод эканларини таъкидлашлари лозим бўлади. Телевидениега чиқиб шеър ўқишади, ҳар куни бу бизнинг муқаддас ишимиз дея шеър битишади. Уларнинг шеърлари, албатта, истиқлол, ватан ва юртбоши ҳақида бўлади, ора-сера ўлдим-қуйдим деб ҳам у-бу нарса қоралаб туришади.

Ўша қизларни мукофот олгандан кейин таний олмайсиз

– улар жуда ҳам саҳнабоп бўлиб кетишади. Сунъий равишда жилмайиб, ўзини ўта хокисор ва гўзал туйғулар соҳибаси қилиб кўрсатиб, ўргатилган нутқларни тўтиқушдек такрорлашда тенги йўқ тажриба тўплашади: “Истиқлол шарофати билан... бало-баттар... Ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар... Бахтли юртининг бахтли фарзандиман... Яна бало-баттар...”

Бу қизларнинг умри шу тариқа ўтиб бормоқда. Уларнинг нафислиги, самимийлиги, ўта мусаффо туйғулари публикага мослашиш ортидан топталиб йўқолиб кетмоқда. Аммо, минг афсуски, бу қизалоқлар бу ҳақиқатни англамайдилар. Ҳаёлларида раҳбарларга хушомад қилиш, нима амр келса, сўзсиз адо қилиш, ҳар куни бисотларидаги сўзларни айлантриб янги шеърлар ишлаб чиқариш.

(Аслида, бу қизлар Зулфия ижоди ўртамиёнадан ҳам пастрок экани ҳақида билмайдилар ёки билишни истамайдилар...)

Бу ҳол фақат қизларнинг эмас, ёш йигитларнинг ҳам психикасида акс этмоқда. “Ўзбекистон белгиси” деган кўкрак нишони билан тақдирланган ёшлар фақатгина раҳбарлар айтган гапларни такрорлаб “яшайдилар”. Уларнинг онглари фақат бир мазмундаги гапларнинг турли синонимларини ясайдиган станокка айлантририлган.

Қисқаси, улар ўзларининг қиёфаларини йўқотадилар.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Яъни Ўзбекистон ёшлари ўз қиёфаларидан айрилдилар. Улар қиёфасиз инсонларга айландилар. Зотан, белгилаб қўйилган фикр чегараларидан ташқари чиқа олмайдиган инсонлар учун яна қандай таъриф бериш мумкин?

Наркотик моддаларни қабул қилишда аввало оз-оздан бошлаш керак. Чунки юқори дозадаги наркотик одамни ўлдириб қўяди. Каримов ўзбек ёшларини кўркүв наркотиги билан маст қилди.

Бугун ўз қиёфасини йўқотган навқирон авлод боши гангиб қолган, кўзига фақат ўз жони кўринадиган авлодга айланди.

Ватан, халқ, юрт каби тушунчалар қийматини йўқотди. Бу сўзларни шалдиратиб айлантиришмоқда.

Бутун мамлакат фақатгина бир хил жумлани такрорлайди.

Одамларга Ўзбекистонда Каримов золимлик қиляпти десангиз, қани зулм дейишади. Яъни улар зулмнинг қиёфасини кўрсат деб талаб қилишади. Улар нима учундир ҳамма моддий қийинчиликларни, тмамлакат идораларидаги бетартибликларни, ҳар қадамда “қулоқлар” изғиб юрганлигини, ўзаро ишонч йўқолиб, унинг ўрнига шубҳа-гумон эгаллаётгани ва шу каби минглаб ҳолатларни зулм деб қабул қилишмайди. Уларнинг фикрича, бу одатий ҳолдир. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида.

Бу каби эътирозлардан сўнг ўзим ҳам ўйланиб қолдим. Ва зулмнинг қиёфасини ахтардим. Бу қиёфани халқимга кўрсатиб қўйишим керак. Шунинг учун зулмнинг асл башарасини топиш учун ҳаракат қилдим. Ўзимча қуйидагиларни топдим:

**Зулмнинг қиёфаси бўлмайди. У қиёфасиз бир балодир.**

**Зулмнинг қиёфаси – юртдаги одамларнинг ўз қиёфаларини йўқотишларидир.**

**Зулмнинг қиёфаси – қиёфасизликдир.**

Бу фикрларни яна қисқача шарҳлашимиз мумкин: инсонлар жуда субутсиз бўлиб қолишди. Бир зумда фикрларини ўзгартирадилар. Қатъий бир хулоса устида турмайдилар. Сизга бу юз билан, бошқага у юз билан боришади.

Ичида зулмни, сиқилишни ҳис қилиб турса-да, ташқида Каримовни мақтайди. Ёки дардини индамай ютади.

Агар норозилигини изҳор

қилса, қўлига кишан солиб кетишларини билади.

Баъзилар намозхонларга бўлаётган тайиқ сабабли ибодатдан воз кечиб арокхўрликка ҳам берилиб кетишди.

Баъзилар ўз жонларини сақлаш учун дўстларини сотишди.

Мана шу қиёфасизлик бўлмай нима? Ахир, бу

зулмнинг меваси эмасми?

Юртда зулм кезиб юргани учун ҳам кўнгилда минг ҳадик.

Масалан, Ўзбекистонда ўзгача фикр эгалари аввало қора рўйхатга олинади, сўнг кейин узоқ вақт кузатилади, бирорта қармоқ ташлаб илинтирилади, сўнг қамокка боргач, калтак остида унинг бўйнига мингта айб юкланади, сўнг кўшимчасига бу айбларни “содир қилишда” кимлар шерик бўлгани ҳам “аниқлаштирилади”, яъни мушт ва тепки, турли азоблашлар ортидан бошқа бегуноҳларга ҳам жиноятчилик тамғаси босилади.

Буни ҳамма билади. Шу зулм эмасми? Ана шу рўйхатга тушиб қолмаслик учун одамлар ўзларини панароққа олишмоқда. Бойиб кетишдан кўркишади.

Шу зулм эмасми? Ё бу ҳам камми?

Ўзбекистонда Каримовнинг қудратига, ақлу фаросатига ишонадиганлар жуда кўп. Уни ватанпарвар деб ўйлашади. У маънавият учун, қадриятлар учун курашяпти деб ўйлашади. Аслида эса Каримов исломга, миллатга душманлик қилаётганини хаёлларига келтира олмайдилар.

ТВда намоийш қилинаётган минглаб савиясиз кўшиқлар, ахлоқсизликни тарғиб этувчи фильмларнинг расмий намоийшлари, масжидларнинг ёпилиши, дин уламоларининг сиқувга олиниши кабилар айнан Каримов сиёсати натижасида юз бераётгани ҳақида нима учундир ўйламайдилар. Айтилаётган гап бошқа – амалдаги иш бошқа экани ҳам тафаккур қилинмайди.

Агар қалбда шижоат бўлса, буларни кўриб турган шахслар халқнинг ҳақини талаб қилиши шарт эди. Минг афсуски, халқ ичидаги интеллегенция – шоирлар, олимлар, ижодкорлар бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб золим режимга қарши чиқишни ўйламайди.



**Муҳаммад Солиҳ 1980 йилда “Буюртма” деган бир шеър ёзган:**

*Сиймо эмас,  
Башара эмас,  
Қиёфа сурати керак, унутманг.  
Чўққига чирмашаётган  
одамнинг  
Ҳақиқий тасвири керакдир  
менга.*

*Чўққида қўшиқ айтаётган,  
Чўққидан қулаб тушаётган  
Одамнинг табиий тасвири  
керак.*

*Севгига чалинган юракнинг  
Турли ҳолатлардаги расми,  
Ялинаётган тилнинг,  
Фақат бир алфозда –  
Ялинаётган пайтдаги сурати.*

Мазкур шеърда рад этилаётган “сиймо” ва “башара” конкрет характерлар чизгисидир – сунъий равишда улуғлаштирилган, ўзини улуғлашга буюрган шахслардир.

Қиёфа эса чинакам инсоннинг, озод шахснинг портретидир. Бу Қиёфа чўққига чирмашади, чўққида қўшиқ айтади, қулаб тушса-да, у бундан кўркмайди, чунки чўққига қулаб тушиш хатари бўйинга олиб чиқилади!

Муҳаммад Солиҳ шеърда касалга чалингани каби севгига чалинган юракнинг турли ҳолатдаги расмини талаб қилади, аммо тилнинг бир алфозда – ялинаётган шаклдаги суратини кўргиси келади.

“Севгига чалинган” юрак жасур бўлади, мард бўлади, агар у озодлик, эрк севгисига чалинган бўлса, уни енгиб бўлмайди!

Шоир ана шу юракни кўргиси келган. Минг афсуски, бугун Ватанимизда – Ўзбекистонда бундай юракларни, чўққидаги одам Қиёфасини топа олмаймиз, минг афсуски, юртда буйруқ бераётган Тиллар ҳукмрон...

Флюгерлар ҳамда варрақлар даври...

**Хасан Али**



## Ҳаёт Хон Насриддинов: Муаммоимни ҳал қилишмаса, президент қароргоҳи олдида пикет ўтказаман

“Фарғона”нинг доимий ўқувчиси ва муаллифи, Тошкентда истиқомат қилувчи, Ҳаёт Хон Насриддинов газ ҳисоблагичини ўз вақтида текширувдан ўтказмагани учун газчиларнинг айбига кўра катта жаримага тортилди. Насриддинов ўзининг ҳақлигига ишонгани учун жарима тўлашдан бош тортмоқда, аммо газчилар ўз айбини тан олмаяпти. Вазият тафсилотлари муштарий мактубида.

\*\*\*

“Давлат номидан мендан пул таъма қилишаётганига яқинда тўккиз ой бўлади. Талаблари ноқонуний бўлгани учун пулни тўлагим келмаяпти, аммо бир куни келиб тортиб олишларини кутиб, кўрқиб яшашга ҳам тоқатим қолмади. Мен ёрдам сўраб раҳбарлардан бирига мурожаат қилдим, аммо ундан ёрдам ололмаслигим аниқроқ бўлиб турибди.

Муаммо нимада? Ўзбекистон қонунчилигига кўра, табиий газ истеъмолчилари ҳар тўрт йилда газ ҳисоблагични текширувдан ўтказиб туриши керак. Бу қоида ҳақида илгари кўпчилик билмаган. Бундан ташқари “Ўзтрансгаз” акционерлик компаниясининг махсус фармойиши бор, унда айтилишича, текшириш муддати келишига етти кун қолганида истеъмолчига ёзма хабарнома жўнатилганидан кейингина газ ҳисоблагич текширувга топширилади. Бу 2009 йилнинг 28 декабридаги АК №846-8 буйруғига асосан амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги “2002 — 2004

йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш ускуналари билан жиҳозлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарорининг 37-банди бўйича ҳам ҳақман, унда айтилишича, Газ етказиб берувчи газни ҳисобга олиш приборининг хизмат кўрсатиш (яроқлилиқ)

муддатини, техник кўрик ва текшириш синовлари даври ва муддатларини истеъмолчига маълум қилиши шарт.

Аммо мен газчилардан ҳеч қандай ёзма хабарнома олмадим. Мен янги газ ҳисоблагичини ўрнатиб, қайддан ўтказаетганимда эса қутилмаганда максимал тариф бўйича катта суммадаги қарз ёзиб қўйишди. Мен ҳисоблагични текширув муддатидан ўтказиб юборган эмишман. Қарз шу даражада каттаки, 20 ой давомида емай-ичмай, ҳеч нарса олмай, пиёда ишга қатнаб, маошимни йиғишим керак. Шундагина бу “қарзни” узишим мумкин. Тўламасам, судга бериб, газни узиб қўйишларини айтишди. Бундай “аргумент”лардан кейин “қарз”ни бўлиб тўлашни бошладим.

Кейин матбуотда бир хабарга кўзим тушди. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бу масалада қарор қабул қилган экан. Яъни, агар газ идорасидан ўз вақтида ёзма хабарнома келмаганлиги туфайли истеъмолчи ўз вақтида газ ҳисоблагични текширувдан ўтказмаган ва алмаштирмаган бўлса, “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонасининг жарима ва қарз ёзиши тақиқланган экан. Қўмитага кўра, ҳисоблагични текшириш муддати келганлиги ҳақида истеъмолчига хабарнома юборилмаган тақдирда, истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисоблагич кўрсаткичларига асосланмаган қарзларни ёзишга рухсат берилмайди ва бу ҳаракат

ноқонуний деб ҳисобланади.

Ва ниҳоят ойлик маошим ўзимга қайтишидан хурсанд бўлиб, “қарз”ни тўламай қўйдим. Аммо бундан олдин яшаш жойимдаги “Мирзо-Улугбек туман газ” идорасининг ҳисобга олиш бўлимига хабарнома юбордим ва “Тошкентшаҳаргаз” (“Тошкентгазтаъминот” филиали) шаҳар бошқармаси бошлиғи номига Қўмита қарорининг нусхасини юбордим (мабодо қонунчиликдан хабари йўқ бўлса деган эҳтимолда).

Ўзбекистон президенти қароргоҳи олдида бир кишилиқ норозилик акцияси ўтказиш – жойлардаги мансабдорларнинг ўзбошимчалигига қарши курашишнинг кенг тарқалган усулидир. Батафсил ушбу мақолада:

Мен ушбу муаммо бутунлай ҳал бўлди деб ўйловдим. Аммо афсуски, Ўзбекистондаги аксарият амалдорлар қонунчиликка амал қилиш юзасидан давлат ҳокимияти органларининг талабларини бажариш шарт деб ҳисобламайди. Менга ноқонуний ҳисобланган қарз ҳали ҳам олиб ташланмаган. Аниқ саволлар ёзилган ёзма мурожаатларга тушунарли жавоб қайтаришади. Уч марта расмий жавоб олдим. Герб туширилган давлат бланкасида менга ёзма мурожаат қилганимни эслатиб, манзилимни такрорлашади, менинг газ плитамнинг жойлашуви ва маркасини ёзишади. Бу нимага керак? Билмадим. Бу матнни қидирсангиз ҳам, биронта аниқ саволга берилган аниқ жавобни тополмайсиз. Бунинг устига амалдорлар уялмай-нетмай мен билан суҳбат ўтказилганини, менинг саволларимга жавоб берилганини ва мен булардан қониқганимни ёзишади! Шунча бўхтонни расмий бланкаларда, имзо ва муҳрлар билан ёзишади. Ҳақиқатан ҳам, ёзишдан осони йўқ.

**Саволларим эса оддий:**

**1. Мен газ истеъмоли учун ҳар ойда тўлаб турган бўлсам, қайси меъерий ҳужжатга асосланиб менга қарз ҳисобланган? Тўлов миқдорини ҳисоблаш усулини билишга ҳаққим бор.**

**2. “Тошкентшаҳаргаз” ходимлари газ ҳисоблагичини алмаштириш вақти келганини менга ёзма равишда билдириши керак эди, қани ўша хабарнома? Менга гўёки ўз вақтида**

*(Давоми кейинги саҳифада)*



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



берилган ўша ёзма хабарномани сўрамоқчиман.

3. Асосий савол – қайси меъёрий ҳужжатга рия қилишим керак: қарз тўлаш ҳақидаги “Тошкентшаҳаргаз” буйруғи ёки Давлат қўмитасининг “ёзма хабарнома берилмаганлиги туфайли ўз вақтида газ ҳисоблагич текширувдан ўтказилмагани учун асоссиз қарз ҳисоблаш ва қабул қилиш”ни газчиларга тақиқлаганими?

Тўққиз ойлик қоғозбозликдан кейин ҳам тўлашим керак ёки керак эмаслигини билмайман.

“Тошкентшаҳаргаз”дагиларнинг аҳволини тушуниб турибман: агар ўз лоқайдлиги ва иш мажбуриятларини бажаришдаги виждонсизлиги ҳақидаги айбловларни қабул қилишса (чунки меъёрий ҳужжатларга кўра ҳисоблагични текшириш вақти ҳақида менга билдиришлари керак

эди!), қонунан жавобгарликка тортиладилар: жарима, модда бўйича ишдан ҳайдалиш ёки бошқа жазо олишлари мумкин. Бундан қочиш учун менга юзаки жавоблар ёзишмоқда. Бу тортишувлар менинг жонимга тегиб, охири бу ўзбошимчаларнинг истагини бажаришга рози бўлишимни умид қилишади.

Аммо бу ҳаракатлар билан “Ўзтрансгаз” ва “Тошкентшаҳаргаз” амалдорлари ҳукуматнинг обрўсини тўкмоқда. Ҳукуматнинг адолат қилишига ишончим сўниб бормоқда, бирор нохушлик рўй берган вазиятда давлатга ёрдам бергим келмай қолади. Мамлакат президенти миллат бирлиги ҳақида гапиради, айрим амалдорлар эса тескарисини қилади. Уларнинг бу амаллари ҳукуматнинг адолат қилишига бўлган ишончни оширмайди.

Нега судга муружаат қилмадим? Чунки анчадан бери адолатга эришиш мумкинлигига ишонмайман. Давлат суди бепарво амалдорни лоқайдлик учун жазолаб, мени оқлайди деб ўйламайман. Ахир бунинг оқибатида занжир реакцияси бошланиб кетиб, ҳар қандай “оддий” фуқаро давлат амалдори билан судлашиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бошлаши мумкин. Бу ҳолда амалдор одамлар устидан мутлақ ҳокимлигини йўқотиб, лаганбардорликлардан баҳраманд бўлмайди ва ҳеч нима қилмагани

учун давлатдан олинадиган маош ва имтиёзлардан махрум бўлади.

Ўзбекистонда бетакрор вазият юзага келган: муаммолар қонун бўйича ҳал қилинмайди, бунинг учун амалдор устидан президентга шикоят қиламан деб кўрқитиш керак. Фақат Каримовдан кўрқишади, фақат унинг номи туфайли оддий одамлар ҳаётида ўзгариш яшаш мумкин.

Мен ўз муаммоларим батафсил ёзилган катта плакат тайёрлаб кўйдим, президент қароргоҳи олдида пикет қилмоқчиман. Мени қабул қилиб, дардимга кулоқ солишларига ишончим комил. Бошқа йўл билан муаммони ечиб бўлмайди. Минг афсуслар бўлсинки.

Муаммони қонунан ҳал қилиши керак бўлган амалдорларнинг виждони борлигига ишонмайман. Аммо бу ҳақида дода билиб қолса, жазо олишдан кўрқишларини биламан. Шу сабабли газлаштириш ва истеъмолчилар билан муносабатни тартибга солишга масъул “Ўзнефтваз” ва “Ўзтрансгаз” бошлиқларига матбуот орқали муружаат қиламан: сизларда оддий одамларнинг дардига эътибор бериш имконияти туғилди. Муносиб раҳбар эканингизни исботлаш ва бу баҳсда адолатни тиклаш орқали хайрли ишга бош қўшишингиз мумкин. Ишонинг, буларнинг сизга фойдаси бўлади.

Ҳаёт Хон Насриддинов”  
Манба: “Фарғона” АА

Бу 1991 йил 30 ноябрдаги “Правда востока” газетаси. Газетада сўнгги 27 йил ичида ўзбек миллатига берилган ягона сиёсий танлов ҳақи акс этган.

Газета 1991 йил декабрига белгиланган президентлик сайлови пойгасида қатнашадиган икки номзод ҳақида билги беради. Бу сайловда Ислом Каримовнинг рақиби «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ бўлган эди.

Нарҳи ўша пайт пул билан 8 тийин бўлган бу газетада ҳали СССР тарқаманган каби мазмундаги мақолаларни ҳам кўраимиз.

Газетада чоп қилинган ТАСС га оид мақола “Украина мустақиллигини АҚШ тан олиши ёмон оқибатларга сабаб бўлишидан” огоҳ қилади.

Айни саҳифада Қирғизистон ССР Бош вазири Насриддин Исановнинг авиаҳалокат оқибатида

29 ноябрь куни ҳалок бўлгани хабари чоп қилинган.

Саҳифа бошида эса СССР парламенти қуйи палатаси СССР Давлат банкига СССР молия вазирлиги учун 90 миллиард сўм (совет сўми) ажратишга изн бергани ёзилади. Ўша куни Москвада чоп қилинган «Независимая газета»си



## Вақт машинаси. 1991 йил матбуот нималарни ёзган эди

эса, “Совет империяси ўлди” деган сарлавҳани манжетга чиқарди.

Айни газетада Литвадаги КГБ жосуси бўлган сиёсатчилар сазойи қилингани ва Арман Озари чегарасида отишмалар тинмаётгани ҳақида ҳам ёзилади.

Газетада 30 ноябр куни Москвадаги бўшаб қолган озиқ-овқат магазини устига ГКЧП тарафдорлари қизил байроқ тикиб

унга “ГКЧП тирик. Ура!” деган ёзувни ёзгани билан боғлиқ ходиса ҳақида ёзилади.

Эслатиб қўямиз, 1991 йил 30 ноябрида магазин устига қизил байроқ осиб, шу кунларда Тошкентда ИШИДнинг қора байроғини осиб билан тенг оқибат касб қилган.

Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)

Шифокорми, бинокорми?

Мана бу кошонага разм солинглар. Бухоро амири саройидан ўтиб тушадиган мазкур сарой Тошкент вилояти эндокринология диспансерининг оддий шифокори Комилов Йўлчи Турдибоевичга (собик Бош шифокор) тегишли. Бу кошонада у тўртинчи хотини билан давлат мулкани талон-тарож қилиб, даври-даврон сурмоқда. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, узоғи билан 500 минг сўм маош оладиган шифокор шу кошонани қурдириши мумкинми?! Биз ўйлаиб қолдик. Балки у ҳам шифокор ҳам қўли гул бинокордир. Иш вақти тугагач Номданаклик ҳамқишлоқ ҳашарчилар билан шахсан ўзи қурдиргандир бу бинони. Бунга ўзимизни мажбурлаб ишонардик. Аммо...

Бу шифокор-бинокор касалхонани мол-мулкани талон-тарож қилиб, муқаддам судланган экан. Бош шифокор лавозимида бир неча йил ишлаб беморларнинг ҳаққига хиёнат қилиб хотинларни суринкасига алмаштирган. Гап шундаки, Й.Комиловга нисбатан Юқори Чирчиқ туман прокуратураси томонидан жиноий иш кўзғатилган ва унга бир даста модда бўйича айблар қўйилган. Аммо, тегирмонга тушса ҳам бир халта ун билан чиқиб кетадиган бу шифокор бор йўғи лавозимдан четладилди-ю ўзи охур деб билладиган мазкур касалхонада шифокор бўлиб қолди. Давлат мулкани талон-тарож қилган, беморлар учун ҳукумат томонидан ажратилган дори-дармонларни ўзи ишлаб чиққан схема асосида ўзлаштирган ва ўзлаштиришда давом этаётган Й.Комиловга нисбатан суд ҳукми чиқди. У ишда қоладиган ва ойлигидан бир қисмини давлат ҳисобига ўтказадиган бўлди. Аммо, “яшаш ҳам керакку?”, “Бўшлиқларни беморларнинг ҳаққи эвазига тўлдириш керакку?”. Шу мақсадда у олдинги ноқонуний одатларини сира ташлагиси келмаяпти. Ноқонуний пул тўланадиган палаталарга беморларни ётқизиш (Ваҳоланки, бу бепул ҳисобланади) билан мазкур бинони янада кўркамлаштирмоқда.

Масалан, маҳаллий поликлиниканинг эндокринолог шифокори томонидан беморлар ордер асосида Тошкент вилояти Эндокринология диспансерига йўналтирилади. Бемор айтилган жойга мурожаат қилгудек бўлса,



## Ўзбек шифокори бўл экан, шифокор

аксарият шифокорлар томонидан сохта навбат мавжудлиги айтилади. Бундай жавобни эшитган бемор, қисқа муддат ичида касалхонанинг тиббий хизматдан фойдаланиш нияти пучга чиқади. Натижада, сарсонгарчиликдан толиққан бемор шифокорга яширин тарзда 100-150 минг сўм пора бериб, касалхонага жойлашади. Энг ачинарлиси, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан турмуш даражаси паст бўлган беморлар тиббий хизмат кўрмасдан уйига қайтиб кетади.

Воқеанинг қизиғи шундаки, яқиндагина суд залидан чиққан Й.Комилов “Халол” бинокор-шифокор Озарбайжон Республикасида ўтказилган эндокринологлар семинарида Тошкент вилоятидан “Энг билимдон” ва “Халол” мутахассиси сифатида иштирок этиш учун жўнатилди.

Шунингдек, мазкур даргоҳдаги аксарият шифокорлар беморнинг ташхис натижаларига эътибор қаратмасдан, фармоцефт фирмалари томонидан ваъда қилинган улуш (пул маблағи) эвазига одам организмга зарар етказадиган дорилар тайинланиб келинмоқда. Фармацевт фирма томонидан тақдим этилган дорилар қанча кўп миқдорда сотилса, шифокорлар шунча кўп миқдорда улушга эга бўлади. Энг қизиғи, бугунги кунда беморларни даволаш жараёнида бир хил таркиб ва турига эга бўлган антибётик дорилар буюрилиб келинмоқда.

Бунинг оқибатида қандли диабетга чалинган беморларнинг танасидаги муҳим аъзолари янада шикасланиши ҳамда имун тизим заифлашиб боришига олиб келмоқда. Одатда беморни даволаш учун ҳар қандай препаратлар лаборатор клиник таҳлилдан сўнг асослаб берилади. Тошкент вилоят Эндокринологик диспансерда эса, ҳеч қандай тиббий меъёрларга асосланмаган ҳолда буюрилади. Бундай ҳатти-ҳаракатлар натижасида шифокорлар мўмай даромадни қўлга киритяпти, беморнинг саломатлиги бўлса, ўнинчи даражага тушиб қолаяпти. Бундай муолажадан сўнг, бемор саломатлиги ва шахс хавфсизлигига қарши қаратилган хатар сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, амалдаги Бош шифокор Гулбаҳор Тўраевна Тошкент вилоят Эндокринологик диспансерда қариндош-уруғчилик асосида меҳнат фаолиятини ташкил этган. Жумладан, омбор мудири лавозимида синглиси, бир нечта ҳамширалар ва турли вазифаларда қариндош-уруғи фаолият олиб бораёпти. Боз устига, Гулбаҳор Тўраевна бугунги кунда ҳам Бош шифокор, ҳам УТТ (Ультратовуш Текширув) шифокори ҳамда ўнга яқин беморлар даволанадиган палаталарни ўзи иштирок этмаган ҳолда даволаш ишини олиб боради. Натижада, ноқонуний пул маблағига эга бўлиш учун

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

беморларни даволаш жараёни кўпол бузилади. Яъни, беморларга кўрсатиладиган барча кўринишдаги муолажалар доимий равишда ўрта маълумотга эга бўлган хамширалар томонидан олиб борилади. Бош шифокор эса, фақатгина касаллик тарихига кўл кўяди, холос.

Энг аянчлиси, касалликни даволаш учун мутлақо керак бўлмаган дори воситалари касаллик тарихига қайд этмаган ҳолда (хамшираларни зўравонлик қилиш орқали) бажарилади. Боз устига ҳукумат томонидан

тиббиёт масканига ажратилган дори-дармонлар, моддий-маиший ва техник воситалар талон-тарож қилинмоқда. Бу етмаганидай, Бош шифокор бир нечта тиббий ва техник ходимларнинг номига расмийлаштирилган пластик карточкаларни ноқонуний тарзда ўзлаштириб, фойдаланмоқда. Ходимлар пластик карточкасига тушган пулларини талаб қилиши самарасиз бўлаяпти.

Шунингдек, касалхонада даволаш ишлари махсус ихтисосликка эга бўлмаган айрим шифокорлар томонидан олиб борилади. Касалхонага махсус

йўналишга эга бўлган тиббиёт ходимлари таниш-билиш бўлмаса, меҳнат фаолиятига мутлақо йўналтирмайди. Шу сабабли, касалхонада номутахассис тиббиёт ходимлари ортиб бораёпти.

Хуллас, юқоридаги номақбул манзарадан кўплаб эндокрин касаллик дардига йўлиққан беморлар ҳаёти хавф остида қолаяпти. Бундай вазиятларнинг кенг миқёсда тарқалиб бориши беморларнинг ўзбек тиббиётига ишончсизлик кайфиятини юзага келтиряпти.

**ЎХХ таҳририятига келган мактуб**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ ЙЎҚ, ДАҲШАТ БОР...

Президент Ислом Каримов, бошқарувнинг илк йилларидаёқ, ҳукуматни занжирдаги ит сингари ўз измига солиб олди. Уларнинг кўзлари ўзларини занжирлаган кимсани ва у берган сарқитдан бошқасини кўрмайдиган бўлиб қолган.

Қизиги, президент Ислом Каримовнинг ўзи ҳам, яқин бир-икки йил ичида, мана шу занжирланганларнинг сафида эканидан беҳабар бир ҳолатда яшайпти...

Ҳукумат таркибини ташкил қиладиган амалдорлар эса, бошида ҳалқни қоп-қоп ваъдалар ва "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат" шиори билан авраб турди. Президент Ислом Каримов оёғини ерга яхшилаб тиркаб, курсисини мустаҳкамлагач эса, очикчасига ҳалқнинг қонунларда ёзилган ҳуқуқлари поймол қилинди, бўйсунмаганлар кўрқитилди, кўрқмасга жазолаш ва қамашга зўр берилди. Ўзбекистон охир-оқибат, зулм ва ёвузлик ҳукумрон бўлган бир давлатга айланди.

Бу зўравонликка асоланган қонли жабҳада, собиқ КПССнинг идеологи, мустақиллик йилларида Демократик институтлар, жамоат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари қўмитаси раиси, ҳамда Инсон ҳуқуқлари миллий маркази директори Саидов Акмал Холметович – "Халқни тутқинликда бошқариш" ғоясининг муаллифларидан бири бўлди. У ва унга ўхшаган мустақиллик идеоликлари ишлаб чиққан дастурга асосланиб, давлат мулозимлари Маҳалла раисларини фашист полисменларига айлантирдилар. Давлат ва халқнинг тинчлиги ва осойишталиги посбонлари бўлмиш милиционерлар эса, ҳақиқий гестопачилар даражасига кўтарилдилар. Ушбу дастуруламал қоидаларига қаттиқ риоя қилиниб, мамлакатда фуқароларнинг эркин фикрлашига, рисоладаги сиёсий

партияларнинг фаолиятига узил-кесил чек қўйилди.

Оқибатда, президент Ислом Каримов диктаторлик режимини кўллаб-қувватлаётган хавфсизлик ташкилотлари орасида халққа бўлган чексиз нафрат кучайиб кетди. Уларнинг кимдан, нима учун нафратланишлари кераклигини билмасликлари эса, бутунлай бошқа бир мавзу. Маошнинг жуда ҳам камлиги ва уларнинг диктаторга бўлган садоқатлари, уларга кенг йўл очганлигини қистириб ўтсак, ҳозирча етарли бўлади.

Оқибатда, бутун мамлакатда поракандалик, жиноятчилик ва порахўрлик авж олди. Натижада, адолатсизликлар ўртаҳолларнинг устига оғир юк бўлиб тушди. Жамиятда қамоқхона пайкасида да кўшиб ҳисоблаганда маоши паст хавфсизлик ташкилотларининг, бундан заррача ҳам виждони қийналмайдиган бир ҳолат пайдо бўлди.

Прокуратура, банк, солиқ, суд, телевидение ва матбуотдаги барча кадрларни "фильтрлаш" орқали Махфий хизматлар "вербовка қилинган" кучишлатар тизимини ишга солди. Бутун тизим президент фармони ва қонунларга эмас, ижроия ҳокимиятнинг "махсус" топшириқларини бажарувчи қулига айлантирилди. Президентнинг заифлашгани қуруқ гап эмаслигини, шу йил январ ойидаги телевидениеда намойиш этилган кўрсатувда, бутун мамлакат аҳли томоша қилди. Президент ушбу ВАЗИРликлар билан ўтказган чиқишида: "Ислохотларга тўсқинлик қилаётганлар, шу ерда ўтирганлар ичида..." дея, ўзининг уларга кучи етмаслигини, жазо қўллашга ожизлигини очик тан олди.

Шундай ҳам бедодликда отасидан ўтадиган Гулнора Каримовани халқаро аренада ёмон отлик қилишни уюштирганларнинг тажрибаси ошиб,

уларнинг биринчи имконият пайдо бўлиши билан президент Ислом Каримовга ташланмаслигига ким кафолат бера олади?

Президент Ислом Каримовнинг, биргина, республика ҳудудларидаги заводларнинг Ички ишлар вазирлигидан 22000.000.000 (йигирма икки миллиард) сўм қарздор эканини, ёнғин ва милиция хизматчиларининг ойлик маоши берилмаганини билмаслигининг ўзи, юқоридаги фикримизга исбот бўлолмайдими?

Бунинг оқибатида, хавфсизлик ташкилотларининг оилалари ўртасида ёлпасига нохуш ҳолатлар илдиз отмайдими? Бу каби оқибатларнинг бошланганига йиллар кечган бўлса-чи? Емасдан-ичмасдан, ортиқ бу диктаторлик режимини кўллаб-қувватлашнинг ўзи бўладими?

Буни, президентнинг атрофидаги Мирзиёевлар, Азимовлар – ҳукумат пайқамаяпдими?

Навоий-азот АЖ.

Фарғона-азот АЖ.

Максам- Чирчик АЖ, 2014 йил майдан қарздорлик бошланган.

Ушбу корхоналардаги ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари йиллар бўйи берилмаяпти.

Прокуратура ва ҳокимиятдагилар, буни билиб турган бўлсаларда, ўзларини билмаганга оладилар. Улар бурчак-бурчакга яшириниб олиб, ўзаро сўхбатлашганларида, Миллий Хавфсизлик хизмати юқоридан уларга топшириқ бермаса, бу ишларга бурун тиқиб, бошларидан айрилиб қолишларидан кўрқишларини айтадилар.

Хуллас, қоғозда Ўзбекистонда давлат бошлиғи Президент, амалда эса Даҳшат юртда ҳукмронлик қилмоқда.

**Азамат**

**Тошкент**

**Таҳририятга келган мактуб**

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Толян хузурига чорлашини сабрсизлик билан кутаётганим. Назоратчи худди хаёлимдан кечган фикрларни ғойибона ўқиб олгандек, яқин боришим билан эшикни шарақлатиб очди-да, боши билан мени ташқарига имлади. Қувониб кетдим. Ниҳоят Толян билан юз кўришиб, қилган ишларим ҳақида ҳисоб бериш вақти келибди. Жазо чораси қўлламаганларига қараганда, Толян гаплашиб қўйган бўлса керак деган ўйда буйруқни сўзсиз адо этиб девор томон ўгирилдим.

— Сени турма бошлиғи кутаяпти! — деди назоратчи қовоғини уйиб. — Сўроқсиз турмадан чиқиб кетиб бекор қилибсан, йигит! Энди камида бир ой карцерда ётишингга тўғри келади. Албатта, оғирроқ жазо тайинлашмас.

— Толян-чи? — сўрадим йўл-йўлакай назоратчи томон ўгирилиб. — У мени кутаётган бўлиши керак.

— Намунча Толянлаб қолдинг? — жеркиб ташлади у. — Қилгиликни қилиб қўйиб бемаъни саволлар беришингга ўлайми? Турма бошлиғи кабинетига сўроқ бераяпти ҳамтовоғинг.

Бу гапни эшитгач, индамадим. Фойдаси йўқлигини англадим. Агар Толяни ҳам чақиртирган бўлса, демак, у ишни ёпди-ёпди қила олмаган. Майли, нима бўлганда ҳам тақдиримиз шу ментлар қўлида. Пешонага битилганини кўраверамиз-да!

Турма бошлиғи подполковник Тарасов деган озғиндан келган, ўрта бўйли, қошлари қалин одам экан. Толяндан ташқари унинг рўпарасидаги стулда керилганча ўтирган капитанни кўриб сира ҳайрон бўлмадим.

Биламан, у мени камерага жўнатгач, тўғри турма бошлиғининг хузурига кириб ҳисоб берган.

Мен кириб борганим ҳамона шу қадар ёмон тикилдик, қўйиб беришса, ғажиб ташлашга шайлиги яққол кўзга ташланарди.

— Хўш, рецидивист! — гапни дўқлашдан бошлади бошлиқ. — Булар индашмади, демак, мендан кўрқибди деб ўйлаганмидинг?

— Тушунмадим, начальник! — бир четда лабини асабий тишлаганча жим ўтирган Толянга қараб олдим-да, ўзимни гўлликка солиб сўз қотдим.

— Тушунмадингми? Нима, озодликда мияннга қурт тушиб қолдими?

— Ҳақорат қилманг, начальник! — дедим бўш келмай. — Мен ҳақоратларга кўникмаганман.

— Нима?

Подполковник бу гапимдан сўнг даст ўрнидан турди-да, югурганча келиб қаршимда ҳозир бўлди.

Унинг лаблари учиб, тишлари



## Зулматдаги умр-31

тақиллаб кетаётганидан дўппослашга тайёр турганини пайқаш қийин эмасди.

— Шунақаи ҳали? — бақирди у титроқ ичида. — ҳали гап кўтармайдиган ҳам бўлиб қолдингми сен каллакасар, ўғри?.. Йў-ўк.. Адабингни берман. Шундай аҳволга соламанки, туғилганинга минг пушаймонлар ейсан! Конвой!..

Шу заҳоти остонада икки аскар қўлларига қурол кўтарган ҳолда пайдо бўлишди.

— Буни газли карцерга қама! Бир ҳафтагача чиқмасин!

— Олдин нега турмадан чиқиб кетганим сабабини сўрамайсизми? — дедим капитан томон бир қараб олиб. — Мен ўзбошимчалик қилган эмасман.

— Нима?.. Вей, сен ким билан гаплашаётганингни биласанми ўзи? — баттар туюқиб кетди бошлиқ.

— Биламан. Шунинг учун ҳам сизга бор ҳақиқатни айтмоқчиман.

Бу гапимни эшитиб, Толян сал курса ўрнидан туриб кетаёзди.

— Ҳа-а, ҳақиқатни айтмоқчиман дегин? — сал ўзини босиб олиб сўради бошлиқ. — Хўш, нима экан ўша ҳақиқатинг?

— Мен манави капитаннинг буйруғи билан кетган эдим.

— Вей, нима деб валдираяпсан? — капитан кутилмаган гапдан сапчиб турди-да, югура келиб ёқамдан олди.

— Ҳа, шу одамнинг буйруғини бажардим. Биласиз, бу кишининг хотинчаси жуда келишган жувон. Озодликда бир эркак ўша аёлга сал ортиқчароқ гапириб қўйган экан. Капитан шу муаммони ҳал қилиб келишимни сўради.

— Аблаҳ!.. — хириллаб ёқамни

қаттиқроқ чангаллади капитан. — ҳозир... Улдираман!..

— Капитан, ўзингизни босинг! — деди бошлиқ. — Билиб турибман, бу ишда сизнинг айбингиз йўқ. Буни манави иккаласи ўйлаб топган бўлиши керак. Конвой! Олиб чиқинг бу нусхани!

— Узингни бос, начальник! — шу пайт Толян ўрнидан туриб кетди. — Бу ишинг бизга маъқул эмас. Агар ҳозироқ буйруғингни бекор қилмасанг, ҳамма аристонларни оёққа турғазаман. Очлик эълон қиламиз.

Хабарим йўқ эди. Турма бошлиғи аристонларнинг тўполон кўтаришлари-ю, очлик эълон қилишларидан кўрқиниши тасаввур ҳам этиб кўрмаган эканман.

Толянинг сўнги гапи бошлиқни конвойга “кетавер” ишорасини қилишга ва қайтадан жойига ўтиришга мажбур этди.

— Тағин эски ашулангни айтмоқчимисан? — бирмунча босиқлик билан сўради у Толяндан.

— Нима қилай? — деди Толян. — Бу аристон менинг яқин дўстим. Қолаверса, бу ерда адолатсизликка йўл қўйилаяпти. Капитан жўнатди деган гапга ишонмаяпсиз. Фақат аристонни айбдор қилаяпсиз. Шундай бўлгандан кейин биз қараб тура олмаймиз.

Бошлиқ бирпас ўйланиб турди-да, яна конвойни чорлади.

— Буни олиб бориб оддий карцерга қама! Бир ой ўша ерда ётади!

— Ҳечам-да! — бўш келмади Толян. — Уни ўзининг камерасига олиб борсин. Акс ҳолда...

— Майли, майли, кўндирдинг! — деди бошлиқ. — Фақат айтиб қўяй, шундан кейин ҳам бир балони бошлайдиган бўлсанг, мендан ўпкалама!

— Аристонлар гапига жавоб беради. — дея менга билинар-билимас кўз қисди Толян. — Улар ментлар каби ноғорачи эмас!

Мен конвой етагида камерам томон йўл олдим. Кўнглим шу тобда ҳайтдагидек шод эди. Чунки, биз мутлақ ғолиб бўлган эдик.

Турма бошлиғи билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин Толянинг менга ишончи ортди. Энди мен ҳам ўрмон кесишга чиқмайдиган, баракда қолиб арзимаган ишлар билан шуғулланадиган бўлдим. Асосий ишим эса аристонлар ўртасида ички тартибни сақлаш ва улар орасида ўзаро келишмовчиликларнинг олдини олишдан иборат эди. Бундан ташқари кўпчилик аристонларнинг гапи билан “обшак”даги пулларнинг ҳисоб-китоби ҳам менга топширилганди. Панжара ортидаги қора кунларим ортда қолганидан суюниб, энди ўзимга кела

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

бошлаганимда қўққисдан ярим тунда назоратчи мени уйқудан уйғотиб Толянининг камерасига олиб борди. Уғрибоши каравотнинг бир четида маъюс ўтирар, чўзиб-чўзиб сигарет тортарди-да, ҳар тутун чиқарганда оғир уфлаб оларди. Мени кўриши билан сигаретини ўчириб, қўли билан курсига имо қилди.

— Яширмайман, — деди ғамгин оҳангда Толян, — сен мени деб ўзингни душман ўқига тутиб бердинг. Қайтмаслигингни, тартибли ўғрибошиликка муносиб эканингни исботладинг. Аслида ўша ишга Давиднинг ўзини юборсам ҳам пулимни ундириб кела биларди. Сени шу йўл билан яна бир карра текшириб олишни ихтиёр қилгандим.

— Биласан-ку, Толян, — дедим азбаройи қувонганимни яшира олмай жилмайиб, — сен учун ҳар қанақанги мушкул ишга ҳам тайёрман. Мен учун ишнинг қийинлиги заррача аҳамиятга эга эмас, муҳими, йигит киши ваъда бердимни, сўзининг устидан чиқиши керак. Мен ана шу қоидага амал қиламан.

— Мана шу фелинг учун ҳам сени ҳурмат қиламан-да, Бургут! Айниқса, озарбайжон бобойниқидаги разборингни эшитиб тан бердим сенга. Ҳақиқий эркак, тартибли аристонлар шундай йўл тутиади. Фақат...

Толян қўл силтаганча ўрнидан туриб кетди.

Бир муддат камера даричасидан ташқаридаги чироқ нурида жилваланганча ерга тушаётган қор учқунларига тикилиб қолди. Мен индамасдан унинг нима дейишини кутдим.

— Кел, аввал қиттай-қиттай олайлик! — Толян камера эшиги рўпарасида унинг кўрсатмасини кутаётган калбош аристонга имо қилди. — қуй коньякдан!

Аристон ликиллаганча келиб иккита темир кружкага коньякдан яримлатиб кўйди ва навбатдаги буйруқни бош эгган қўйи кута бошлади.

— Жойингга бор! — деди Толян унга қовоғини уйиб. — Чақирганимда келасан. Хўш, Бургут, кел, сенинг саломатлигинг учун оламиз!

— Нимадир демоқчи бўлгандинг чоғи, — дедим Толяндан кўз узмай.

— Ҳа, сенга бир хунук хабарни етказиб қўйишим зарур эди.

— Нима бўлди? — сўрадим кўнглим ғаш тортиб. — Тинчликми?

— Йўқ. Тинчлик бўлганда сени бу тахлит кутиб олманг бўлардим, — деди Толян. — Биласанми, анави ментлар бизни, барибир, тинч қўйишмайдиган кўринади.

— Нега? Тунув кунги гапинг кор қилмабдимми?

— Масала бошқа ёқда. Билишимча мени бу ердан бошқа жойга

ўтказишмоқчи. Мен кетсам, ўрнимга ўзларининг йўриғига юрадиган бирор кишини қўйишлари тайин. Бу бир. Иккинчидан, мен кетганимдан кейин сен ҳам бу ерда кўп яшамаслигинг аниқ. Чунки уларга сенга ўхшаган орияти баланд, ғурурли аристонлар ёқмайди.

— Шунақа дегин, — Толянга қаттиқроқ тикилдим, — демак, ментлар ўзларидан хавотир ола бошлашибди-да...

— Лекин сен унчалик хавотир олма, — давом этди Толян, — мен ҳам қараб ўтирганим йўқ. У ёқдаги братваларга маслаҳат солдим. Улар бир қарорга келишиб, ментлар орасидаги дўмбирачилариниям огоҳлантиришди.

— Хўш, нима қиладиган бўлишди?

— Хуллас, ҳозирча сени карцерга қамашади. Бу сени аристонлар

## Зулматдаги умр-31

назаридан узокроқ тутиб туришининг бирдан бир йўли. Лекин ҳали айтганимдек, ҳеч нимадан хавотир олма: сен бизнинг ҳимоямиздаги одамга айландинг. Энди бизнинг тартиб-қоидаларга амал қиласан! Борди-ю, ментлар билан ош-қатиқ бўладиган бўлсанг ёки бирор жойда хол қўйсанг, унда нафақат ўзингга балки сени авторитетларга тавсия қилганим учун мени ҳам ташвишга қўйган бўласан. Шунинг учун бундан бу ёғига қиладиган ҳар бир ишингни обдон торозига солиб кейин гапир, ҳатто ташлайдиган қадамингни ҳам ўйлаб бос. Хуллас аристонлар орасида обрўга раҳна соладиган ҳаракатлардан тийил! Сенга бундан кейин тўғридан-тўғри йўл-йўриқ ҳам, маслаҳат ҳам бера олмайман, хабарлашиш фақат қамоқхона почтаси орқали бўлади энди...

— Шунақа гаплар дегин, — дедим бу гапларни эшитиб. — Лекин...

— Лекин-пекинингни қўй. Бу ёғига кўп нарса ўзингга боғлиқ. Нима бўлгандаям, Бургут, сендан илтимос, жонингга жабр қилма. Кейин турма маъмурияти билан кўп ҳам нифоққа бораверма. Уларни биласан-ку, аяб ўтиришмайди. Айниқса, қаршилиқ қилганларни ими-жимиди улдириб юборишдан ҳам тап тортишмайди.

— Балки, мени ҳам бошқа турмага ўтказиб юборишар? — умид билан сўрадим Толяндан.

— Буниси менгаям қоронғи. Ишқилиб, қаерда бўлсанг-да, соғлигингга безътибор бўлма. Кейин мураса билан битадиган ишни ҳеч қачон уриш-жанжал ёки бировнинг бурнини қонатиш билан ҳал этма! Негаки, эрта бир кун ноҳақ урилган бир мушт учун ҳам жавоб беришга тўғри келиб қолиш мумкин. Бундай

ҳолатларда омон қолишингга ҳеч ким қафолот бера олмайди.

— Толян, чин дилдан бераётган маслаҳатларинг учун сендан миннатдорман. Ваъда бериб айтаманки, ўзимнинг ҳам, сенинг ҳам номингни қора қиладиган, обрўнгга раҳна соладиган ишларни қилмайман.

— Биладан, Бургут, сен бир сўзли йигитсан, — кулди Толян. — Айтганча, мен ҳам сенга бир ваъда бериб қўйгандим, ёдингдан чиққани йўқми?

— ...  
— Керакли одамлар билан гаплашиб, сенга туғилиб-ўсган юртингдан ҳовли сотиб олганман. Воляга чиққанингдан кейин Давидга учрашиб, қолган масалаларни у билан гаплашасан. Ҳа, яна бир нарсани айтишни унутаёзиман: аёллардан сал узокроқ юр!

— Хўп, Толян, сен нима десанг шу, — кулимсирадим.

— Мен кетганимдан кейин бу ерда бир кўнгилсизлик бошланишини сезиб турибман, шунинг учун ҳар дақиқада ҳушёр тур.

— Хўп бўлади, Толян!

Биз қадрдонларча қучоқлашиб хайрлашдик.

Орадан икки кун ўтиб чиндан ҳам Толянини бошқа муассасага ўтказишибди. Бунинг хабарини қарцердалик чоғимда етказишди. Уғрибоши айтганидай, мени ҳеч бир сабабсиз ўн беш кун муддатга қарцерга ташлашганди.

Ҳар сафаргидек бу гал ҳам қарцерда вақт ўтказишнинг ўзи бўлмади. Чунки тик туриб ухлаганинг озлик қилгандай, бу ерда кунлик овқатдан ҳам маҳрум этишар, кунига бир мартагина суви қочган қора нон билан сув беришарди. Қарцерга тушганидан сўнг орадан ҳеч вақт ўтмай аксарият маҳбуслар кун билан тунни адаштириб қўйишади. Менда ҳам шундай бўлди. Қарцернинг бетон деворига аниқ нечта чизик торганим ёдимда йўқ: тўртинчи ёки бешинчи куни бошим гир-гир айланиб, ҳушимдан кетдим...

Қамоқхона шифохонасида ўзимга келдим. Аммо анча пайтгача қаерда эканлигимни хотирлай олмай палатанинг оппоқ шифтига кўз тикиб ётдим. Шу пайт йўлақда гаплашаётганларнинг овози келди.

— Омади бор экан йигитнинг, агар яна бир-икки кун ётганида тўғри моргга жўнатиб қўя қолишарди.

— Нима қаромат кўрсатган экан, бунча азоб беришибди?

— Анигини билмадим, эшитишимга қараганда роса уришқоқ, кейин гапидан қайтмайдиганлар хилидан эмиш. Келганига ҳеч вақт бўлмасдан унча-мунчанинг оғзига тушиб қолган. Ҳатто уни бечора Толян ҳам ҳурмат қиларкан.

*(Давоми келгуси сонда)*



*конларига ҳокимлик ўрнатганидир. Бир йилда тахминан 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағни бошқарувчи ташкилот, “дунёнинг энг бой террор ташкилоти” сифатида кўрсатилади. ИШИД шунингдек Ал-Қоидадан фарқли ўлароқ ижтимоий ахборот воситаларидан жуда унумли қўлланмоқда. Кино каби олинган қатл қилиш саҳналари,*

Нусра жабҳаси Ливанга кириб Эрон тарафдори Ҳузбуллоҳ нишонларига ҳужум қилиши, аслида Техронга қарши амалга оширилган бир ҳамла сифатида изоҳланди.

### 3. ИШИДнинг Ироқни учга бўлиш режаси

Стратегик фикрлаш Институтининг президенти Бирол Оккун (Biroł Akgün) Янгишафақ газетаси билан суҳбатда, ИШИД ташкил қилинган вақтда Сурия масаласи бўлмаганини айтди. Унинг айтишича, ташкилотнинг пайдо бўлиш сабаби Ироқ бўлган бўлса

## ИШИД ОРТИДА ҚАНДАЙ КУЧЛАР ТУРИБДИ? ФИТНА УЮШТИРИШ НАЗАРИЯЛАРИ ВА ИШИД ҲАҚИҚАТИ!

2003 йилда шакллана бошлаган ИШИД террор ташкилоти, Яқин Шарқни нотинч ҳолатга келтирди.. Шундай қилиб асосий куч сифатида “жиҳод” қилиш даъвоси билан муслмонларни мўлжалга олган террористлар ортида қайси мамлакатлар ва кучлар бор? ИШИД нега муслмонларнинг асосий душмани Исроилга умуман ҳужум қилмади? Ҳадисларда ИШИД террор ташкилоти дейилганми? Шу ва яна кўплаб муаммолар жавоби хабаримизда..

Ироқ ва Шом Ислом Давлати 2003 йилда Американинг Ироқни ишғол қилганидан сўнг минтақада шакллана бошлади. Бу бир сунний қаршилик ташкилоти эди. Саддам ҳукуматдан қулатилгандан сўнг келган шиялар, суннийларни орқа планга сурганча ИШИД ҳаракатларини сунний бир исёнга айлантира бошлади. Аммо ИШИД номини Сурияда бошланган ички жангларга қадар ҳеч ким эшитмаган эди. Ҳукумат ўрни бўшлигидан фойдаланган ташкилот, Сурия ва Ироқдан бошлаб Яқин Шарқда Ислом давлати қуриш мақсадида қонли қиргинларини тезлаштирди. Бир кечада Ироқнинг Мосул шаҳрини қўлга олди. Сўнгра Эрбил ва Бағдодга кўз тикди. Кейин эса йўналишини ўзгартириб Кобанига, яъни Туркия чегарасига қадар келди. 10 йил ичида номи ҳам эшитилмаган ташкилот бир йилда бутун дунёнинг асосий долзарб масаласига айланди. ИШИДнинг қисқа замонда сезиларли даражада юксалишининг асосий сабаби нефт

жангариларнинг кунлик ҳаётидан лавҳалар ташкилотга Америка ва Европа мамлакатларидан ҳам осонлик билан одамларни жалб қила олмоқда. Албатта шиялар ҳокимияти даврида эзилган сунний қисмини унутмаслигимиз лозим. Агарда маҳаллий халқнинг ёрдами бўлмаганда Мосул бир кечада қўлга олинмас эди. Шундай экан, ИШИДни ташкил қилган ва қисқа вақт ичида ривожланишини таъминлаган сабаблар шулардан иборатми? Буларда махфий хизматларнинг қўли борми, Туркия қачондир ИШИДга ёрдам берганми? “Қора байроқчилар” Ислом манбааларида келтирилганми? Мана ИШИДга тегишли иддаолар ва ҳадислар...

### 1. Ҳатти-ҳаракатлар учун баҳона ҳозирлаш

ИШИДнинг ортида Америка, Исроил ва Англия бор. Мақсад Яқин Шарқдаги “ислом” экстремист гуруҳларини бир жойда тўплаш ва Яқин Шарқдаги масалаларга аралаштиш учун баҳона ҳозирлаш.

### 2. Мўлжалда Эрон ҳам бор

ИШИДни ташкил қилишдан мақсади Ироқ ва Сурияда Эронга қарши турувчи бир давлат қуриш. Ташкилотга ёрдам берганлар орасида минтақадаги баъзи сунний мамлакатлар ҳам бор. ИШИД инқирози бошлангандан сўнг Эрон тарафдори бўлган Ироқ бош вазири Маликининг ўз лавозимидан четлатилишини ҳам бу сиёсатга далил сифатида кўрсатиш мумкин. Яна бир тафсилот сифатида Ливанда юзага келган зиддиятларни кўрсатиш мумкин. ИШИДнинг

Куртлар, шиялар ва суннийлар орасида барқарорлик ва тузумнинг яратилишини таъминлаш бўлган. Америка вице-президенти Жо Байден ўша вақтда ёзган ўз ҳисоботида бу учлик тузуми ҳақда таъкидлаган.

### 4. МРБ ва НАТО

Америка стратегия мутахассиси Уиллиам Энгдалнинг сўзларига кўра ИШИДнинг ортида Марказий разведка бошқармаси ва НАТО бор. ИШИД жангарилари Иорданияда МРБ томондан тайёрланади. Молиявий таъминот эса Форс кўрфази мамлакатлари томондан амалга оширилади. Мақсад Яқин Шарқнинг барқарорликга эришишига имкон яратиш ва Сурия инқирозини яширишдир.

### 5. Ҳадисларда ИШИД хавфи борми?

ИШИД Ислом манбаларида келтирилганми? Ҳафиз Нуайм Бин Ҳаммаднинг Ал-Фитан китобида шундай бир ҳадис ривоят қилинган: “Қачон қора байроқларни кўрсангиз Ерни лозим тутинг, Қўлларингизни кимирлатманг, оёқларингизни ҳам. Сўнгра бир қавм зоҳир бўлур, улар заифдирлар, эътиборга сазовор эмаслар. Уларнинг қалблари темирнинг зангига ўхшайди. Улар давлат соҳибларидир. Аҳдга вафо қилмаслар, мийсоққа ҳам вафо қилмаслар. Ҳаққа чакирурлар, Лекин ўзлари ҳақ аҳлдан эмаслар. Исмлари кунядир. Нисбатлари қишлоқ ва шаҳарларгадир (Абу Бакр Ал-Бағдодий каби). Сочлари аёлларнинг сочига ўхшаб осилиб туради. Улар охири бориб ўзаро

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

ихтилоф қиладилар. Сўнгра Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳақни кимга хоҳласа, ўшанга беради.” Ислом олимлари ривоят этилган Ҳадиси шарифнинг ИШИДга ишорат қилишини айтишмоқда. Аммо Ҳадиснинг саҳиҳ эмаслигини илгари сурганлар ҳам бор. Агарда Ҳадис саҳиҳ ва бизга ИШИД таҳликасидан огоҳлик мавжуд бўлса ҳазрати Муҳаммад (С.А.В) террор ташкилотининг ички низо натижасида ниҳоясига етишини хабар бермоқда... Яна бир бошқа ҳадис ривоятига кўра бу “қора байроқчилар” Маҳди чиқган вақтда терроризмни ташлаб унинг амрига бўйсундилар...

### 6.Ваъда қилинган ерлар

Тавротда Нил дарёси ва Фирот дарёси орасидаги ерлар Исроил ўғилларига ваъда қилинган. Бугун Яқин Шарқдаги қаршиликларнинг ва жангларнинг энг асосий сабаби Исроил ва Туркиянинг бир қисмини ўз ичига олган бу ерларни кўлга олиш истагидир. Назариётчиларга кўра ИШИД жангчилари ўзлари билмасдан бу лойиҳага хизмат қилишмоқда. Ташкилот, ваъда қилинган ерларда аҳолини камайтириб бетартиблик чиқарар экан, аслида Исроилнинг бу ерларга ўрнашишига замин яратмоқда.

### 7.Бағдодий МРБ жосусими ёки моссад?

ИШИД лидери Абу Бакр Ал-Бағдодийнинг ташкилот бошқарувига келишидан олдин Америкада ҳибсда ётганининг маълум бўлиши Бағдодийнинг МРБга хизмат қилиши тахминларини илгари суришига сабаб бўлди. 2013 йилда олинган бир суратда Республикачи сенатор Маккейн билан бир жойда бўлган кишининг Бағдодий эканлиги даъвоси ИШИД лидерининг Америка билан алоқаси борлигини ҳақидаги гап-сўзларни кучайтирди. Эдвард Сноуденнинг айтишича Бағдодийнинг келиб чиқиши араб эмас, яҳудийдир. Ҳақиқий исми эса Шимон Эйлат ва бошқа мақолаларда таъкидлаб ўтган сабабларимизга кўра Исроилга жосуслик қилади.

### 8.ИШИД Иллюминат махсулотими?

Ташкилотнинг Туркияда маълум номи ИШИД ёки ИД. Президент Эрдоған қўллаган арабча ифодада



эса ДАЕШ. Халқаро майдонда эса “ISIS” дея юритилади. ISIS ҳозирги вақтда Миср мифологик иллюминати ташкилот тимсолига айланган “ҳар нарсани кўрувчи кўз” сифатида маълум Хоруснинг ўғли. Қизиқ, террор ташкилотига ном изларкан Вашингтон ва Тел-Авив кўп ўйлаганми, ёки футбол ўйнаётиб тасоддифан топганми бу номни.

### 9.ИШИД нега Исроилга ҳужум қилмаяпти

ИШИДнинг Исроилга умуман ҳужум қилмаслиги, “ИШИД, Сионистик қотил” изоҳларига сабаб бўлди. Мутахассислар ИШИДнинг Исроилга ҳеч қачон ҳужум қилмаганини айтган, ИШИД ва ДБП орасидаги отишмаларни ДБПга қўл келганини таъкидлайди. Шу вақтгача ИШИД ҳужум қилган ерлар ДБПнинг кўлига ўтди. Фитна уюштириш назариясига кўра МРБ ва Моссаднинг мақсади Суриянинг шимолида КИП/ДБП бошқарувидаги бир Курд давлатини куриш.

Асосий мақсад эса бу минтақага Туркиянинг жануби-шарқини ҳам кўшиш... Исроил мулофаз вазири Моше Яалон эса ўзининг сўнги баёнотида Исроилнинг ИШИД билан ҳамкорлик қилаолишини айтган, бу ифлос иттифокни кўз-кўз қилди. Юқорида таъкидлангандек бу ерлар Яҳудийлар томондан “ваъда қилинган ерлар” сифатида кўрилади...

**Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди**  
Манба: [komplohaber.com](http://komplohaber.com)

## “Мени туғди бугун ростгўй битта гўр...”

### Гўрўғлилар давраси

*Ғафлат ичра ётган халқ уйғонмади,  
Қалбнинг жароҳати оғритмас уни.  
Золим ўзи топган йўлдан тонмади,  
Мазлум қуллик қилиб ўтказар тунни.*

*Пичоқ санча кўксин очади унга,  
Арқон тутса бошин эгади муте.  
Жасорат ҳам тоқат қилолмай бунга  
Қўрқоқлар юртини тарк этди,  
кетди.*

*Бошингдан урсалар қамчи беаёв,  
Ҳақорат ёғилса ганим тилидан,  
Тик боқишига юрак бермайдими дов?!  
Ўлигинг терасан ўнгдан ва сўлдан...*

*Ўзингга нафратинг, ўзингга қарғиш,  
Қаргаган ўзингсан, қаргалган ўзинг.  
Мардликка беролмай бирор он  
ройиш,  
Ерга экилади қалтираб тиззанг...*

*Ҳақни ботил дейсан, ботилни тўғри,  
Сир сотиб суюниб яшайсан, йиғла...  
Қабиҳликни кўриб, жабрни кўриб,  
Қайтарай демайсан қонсевар  
тиғни...*

*Кўксингда йиринглар, қора яралар,  
Вужудинг шайтонлаб ётган  
қабристон.  
Ёлгончи ўликлар ичра оралаб,  
Юсаклик излайсан бу тубан,  
пастдан...*

*Минг йил ҳомиласин асраб келди ва  
Мени туғди бугун ростгўй битта  
гўр.  
Гўрда туғилганлар, қурайлик давра,  
Бизга тушиб келсин жаннатлардан  
нур...*

\*\*\*

### Тушунган инсон

*Тушунган инсонсиз ҳаммасини сиз,  
Мулоийим, тарбия кўрган “человек”.  
Сизда ҳамма нарса турар  
батартиб:  
Меҳрингиз бир четда, қоқ ўртада  
кек.*

*Дўстни ҳам тушуниб қадрлайсиз  
сиз,  
Бирор марта унга йўқ демайсиз  
ҳам.  
Аммо ганимнинг ҳам “иссиқ”  
юзидан  
Ўтолмай уни-да қиласиз хурсанд.*

Гўрўғли,  
2016, январь

Ўзбекистон Бош  
Вазири Ш.Мирзиёевнинг  
селектордан янграган  
оғзаки буйруғига асосан,  
Ўзбекистон Республикаси  
бўйлаб «Металлолом»  
йиғиш учун вилоят, шаҳар  
ва туман ҳокимларига  
қаттиқ топширик  
берилди. Ҳокимлар эса ўз  
навбатида, ҳудудларидаги  
ўзларига тўғридан-тўғри  
бўйсинадиган СЭС, солиқ  
ва ҳоказо ташкилотларни  
бу ишга жалб этдилар. Бу



## Талваса

каби ўта мустабид ҳаракатлар билан илгаригига қараганда ҳам, тадбиркорларнинг иш фаолиятига жиддий аралашиб жараёни бошланди. Президентнинг тадбиркорларни ҳимоя қилиш учун вақтли матбуотда томоқ йиртганлари-ю, чиқарган қарорларининг шунчаки кўзбўямачилик учун навбатдаги компания экани билиниб қолди. Энг асосийси, зукко халқимиз мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ тўғри пайкаганидек, президент И.Каримовнинг ҳеч қачон ёлғонни тарк эта олмаслиги, лавсизлиги яна бир марта ўз тасдиғини топди.

Шу муносабат билан вилоятларда жойлашган темир-терсак йиғишга мослаштирилган «Металлолом топшириш базалари» қошидаги масъулияти чекланган жамиятлар, яъни МЧЖларнинг куни тўғди. Махаллий мулозимлар томонидан дастакланаётган МЧЖ масъуллари, олдиндан имзо ва муҳр қўйилган, юқорида ўтирган бир ҳовуч текин томоқ зўравонларнинг фойдасига мослаштирилиб тузилган шартномаларга тадбиркорларни имзо қўйишга мажбурламоқдалар. МЧЖ орқасида, бутун бошли ҳокимият турибди.

Шартномада «тадбиркор «фалон» тонна метални 2016 йил давомида чоракма-чорак топширилишини ўз зиммасига олиши шарт» деб кўрсатилган. Акс ҳолда, шартномани бажармаган томоннинг тадбиркорлик фаолияти ёпиб қўйилиши айтилмоқда. Бу дегани СЭС, Солиқ ва Прокуратура орқали жиддий текширув уюштирилиб, тадбиркорларга ноқонуний босим бўлиши очикдан-очик таъкидланмоқда. Ҳозирданок, қаттиқ топширик олган СЭС муассасаларига ўхшаган бир нечта қароқчи муассасалар республика, вилоят ва шаҳарларда эрталабдан

уйи бузилган гадо каби ҳар кўчада сангишни бошладилар. Улар дорихоналар ва бошқа шунга ўхшаш турли тадбиркорликлар амалга ошириладиган объектлар билан шартнома тузишга киришдилар. Шартнома тузишдан бош тортган тадбиркорларнинг дорихоналари, дўконлари ва ишлаб-чиқариш корхоналари ҳар хил баҳоналар билан ёпиб қўйилмоқда.

Айниқса, бу каби қонунларга зид тадбир, дорихонаси бор тадбиркорларга жуда қимматга тушмоқда. Йиллар бўйи давом этиб келаётган тазиклар остидаги бунақа зарарли «ҳашарлар» бу соҳанинг ҳам силласини қуритган. Шунингдек, республиканинг аксар ҳудудларидан темир-терсак ўн йиллар илгари сўнггигача йиғиштирилиб олингани етмагандек, «Металлолом топшириш базалари»га тегишли МЧЖлар дорихоналарга ўхшаш нақд пул билан ишлайдиган корхоналардан ҳар бир кг метал учун 500-600 сўм нақд пул олиб, уларга «метал топширди», деб маълумотнома ёзиб берапти. Номи чикқан бир Дорихона мудирининг айтишича, фақатгина бир вилоятдаги дорихоналардан 1 000 000 000 (бир миллиард) сўмдан ортиқ нақд пул ноқонуний йиғиштириб олинган.

Ўтган йилларда, ҳокимият ва прокуратура тил бириктириб, ноқонуний қурилган деб топилган қурилишлар ва гаражларни биргаликда буздириб ташладилар. Ва ўзлари иш бошида туриб, бузилган бинолар ва гаражлардан чикқан яроқли нарсаларнинг КОМХОЗга топширилишини охиригача назорат қилиб турдилар. Уларнинг эгаларига барчаси чиқиндига ташланди, деб, зарари қопланмасдан, юқорида турганларнинг ўзлари чексиз бойликларни толон-тарож

қилдилар – сотдилар, едилар, улардан ўзлари учун қават-қават ҳашаматли бинолар кўтариб олдилар.

Бугунги кунда, бу зўравонликка асосланган иқтисоднинг илдиэлари, янада баққуватлашиб бормоқда. Металлолом ҳисобидан нақд пул ишлаб, коррупцион схемалар орқали чўнтагини тўлдириш операциялари кун-кундан гуллаб-яшнаяпти. Халқнинг ва мамлакатнинг зарарига иш

кўрадиган бу каби мафия бошида, ҳокимият ўзи кўз-қулоқ бўлиб турибди. Халқнинг, мамлакатнинг манфаатини ҳимоя этиш ўрнига, ҳокимиятдагилар жиноятчиларга эш бўляптилар, тадбиркорларга зуғум ўтказиб, халқни кундуз куни ошқора таламоқдалар. Ҳозирги кунда ширкатларда, кўп қаватли уйлар ертўлалари ва томларида, ноқонуний деган баҳоналар билан жуда катта миқдорда темир-терсак йиғиштириляпти. Металлоломга топширилиши керак бўлган темир панжаларни, гаражларни ҳокимиятларнинг ҳомийлигида коррупцион мафиялар арзимаган пулга сотиб олиб, жуда қимматга пуллайпти.

Мустақиллик йилларида, қанчадан қанча завод ва фабрикалар таг-томири билан йўқ қилиб юборилди. Ҳокимият структураси тадбиркорликни ривожлантириш ўрнига тадбиркорларга ўзларининг фойдаси учун тўхтовсиз тайзиқлар ўтказишмоқда.

Буни бугун Ўзбекистонда ҳамма яхши билади. Аммо, ҳеч ким норозилигини тўғридан-тўғри ҳокимиятдагиларнинг юзига айта олмайди. **КОРРУПЦИОН ДАВЛАТ МАФИЯСИ**нинг куни битиб бораётган бўлса ҳам, ўйламасдан бир нима дейиш, қийин. Илдизи чириб, шохлари тўкилиб қолган бу тузум, жуда ҳам аламзада! У талвасага тушиб қолган, у ўлим билан олишмоқда. У кимдан аламини олишни билмасдан, ўзининг елкасига ўзи оғиз солмоқда!

**Тахририятга келган мактуб**

**“ERKIN YURT”**  
интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Муҳаррир: Нурбек Саломов